## ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг ТИЛЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИ — УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

# РАҲБАРМИ, ЎЗБЕК ТИЛИНИ БИЛСИН

Жамиятимизда давом этаётган қайта қуриш, ҳуқуқий давлат яратиш йўлида амалга оширилаётган ишлар барчамизнинг диққат-эътиборимизда турибди. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Тиллар тўғрисидаги Қонуни лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига қўйилиши ана шундай ишларнинг энг асосийсидир, деб ўйлайман. Гарчанд Қонун ҳали лойиҳа шаклида бўлса-да, кўпчилик билдираётган таклиф ва эътирозлар тузилган ишчи комиссия томонидан ўрганилади ва умумлаштирилиб сўнгра қабул қилинади деб умид қиламиз.

Шу боис мен ҳам ўзимнинг баъзи мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Кейинги пайтларда давлатимизга моддий ва маънавий путур етказаётган баъзи нохуш воқеалар замирида тил масалалари ётмайди, дейсизми? Турғунлик даврининг касри туфайли барча идоравий ишлар фақат рус тилида юритиладиган бўлди, натижада раҳбарликка қобилияти бор-йўқлигидан қатъий назар, рус тилини пухта билиб, ўз она тилисида аранг гапирадиган (ёки умуман ёддан чиқарган) кишиларгина масъул вазифаларга тайинландилар. Бунинг оқибатида жуда катта маънавий йўқотишларга дучор бўлдик. Ахир бундай раҳбарлар кўпчиликни ташкил этган туб миллат кишилари билан жонли мулоқот олиб бора олмадилар. Менимча, бизнинг республикамиз шароитида нафақат икки тилни, балки уч, ҳатто тўрт тилни билишни талаб қилувчи областларимиз, районларимиз ҳам бор. Баъзи ҳолларда район раҳбарларига рус ва ўзбек тилини билишнинг ўзи кифоя қилса, баъзи жойларда бу тиллардан ташқари тожик тили, чорва ривожланган жойларда эса қозоқ тилини билиши ҳам керак бўлади. Мудом шароит шуни тақозо қилгандан кейин раҳбарликка тайинланганда унинг ана шу фазилатларини, албатта, ҳисобга олиш керак. Бу ерда мен рус тилини асло камситаётганим йўқ. Бу тилсиз миллатлараро алоқа қилиб бўлмаслиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Биз ҳам мактабларимизда ўқишни шундай ташкил этишимиз керакки, мактаб битирувчиси ҳар икки тилда бемалол эркин сўзлаша олсин. Кўп тилни билиш эса ҳар бир совет кишисининг маънавий бойлиги бўлмоғи даркор. Ахир, раҳбарнинг давлат тилини билмаслиги ҳам мумкинми? Агар у ноёб қобилият эгаси, яхши мутахассис сифатида раҳбарликка номзод бўлса, қисқа ўзбек тилини ўқитиш курсларидан ўтказиб, кейин лавозимга тайинлаш керак. Токи у ўз ишчи-хизматчилари билан оддий муомала тилини ўзлаштирсин.

Шунингдек СССР ва Республика Олий Советига, маҳаллий Советларга сайланадиган депутатлар номзодларининг ҳам ана шундай фазилатларини ҳисобга олиш керак. Депутат қайси округдан сайланаётган бўлса, ўша округ жойлашган майдондаги миллатнинг ёки ғуж бўлиб яшаётган кичик миллатлар тилини билсин. Агар у ўзини сайлаётган сайловчилари тилини билмаса, уларнинг қалбига қандай йўл топа олади? Раҳбар ҳам, депутат ҳам шароитга қараб давлат тилини, рус тилини ва ўзи раҳбарлик қилаётган ёки сайланаётган жойда кўпчиликни ташкил этган миллат билан муомала қила олиш даражасида тилини билиши керак деб ўйлайман. Шунинг учун ҳам қонун лойиҳасининг IV-боб моддасининг охирги жумласини қуйидаги сўзлар билан тўлдирилишини маъқул деб ҳисоблайман.

«Раҳбар муомала ва ахборот тили сифатида ўзбек тилини ёки рус тилини қўллаши мумкин. Давлат, ҳукумат, муассаса, корхона ва ташкилот раҳбарлари ўзбек, рус ва тобе ходимлар кўпчиликни ташкил этган миллат тилини мукаммал билишлари шарт». IV-бобга янги модда киритиш ва унда «СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларига, маҳаллий Советларга сайлов кампанияси даврида бўлажак депутатнинг давлат тилида эркин сўзлашиши эътиборга олинсин», — деган қоидани киритиш керак.

Бу модда сўзсиз депутатнинг ҳам, Советларнинг ҳам обрў-эътиборларини оширган бўлур эди.

Энди бевосита ўқитиш масалаларига оид баъзи мулоҳазаларим бор. Маълумки, ўқув-методик, илмий-техникавий адабиётларда жуда кўп халқаро ва рус тилидан ўтган сўзлар учрайди. Бу сўзларсиз ҳозирги замон илм-фанини тасаввур этиб бўлмайди. Ўзбек тилимиз ана шундай сўзлар ҳисобига ҳам анча бойиди. Табиий фанлар, хусусан медицинада шундай сўзлар борки, уларни ўзбек тилига таржимаси мақсадга мувофиқ эмас, деб ўйлайман. Бироқ, шу кунгача чоп этилиб келинаётган дарсликларда ана шундай сўзларга етарлича изоҳ берилмайди. Сир эмас, кўпчилик ҳолларда бундай атамаларнинг луғавий маъносига ўқувчи ҳам, ўқитувчи ҳам тўла тушуниб етмайди. Шунинг учун ҳам ўқитиш жараёнида дарслик, илмий-методик адабиётларда ҳар бир «чет» сўзнинг изоҳли луғати бўлиши шарт. Шу муносабат билан VI-бобнинг 27-моддаси охирги бандига қуйидагича қўшимча киритишни таклиф этаман: «Ўзбекистон ССРда фан тилини тараққий эттириш ва такомиллаштириш учун ўзбек тилида илмий техникавий ва ижтимоий-сиёсий атамаларни ўқитиш йўлга қўйилади ва бу атамалар ўзбек тилида чоп этиладиган адабиётлардан тегишли изоҳли луғатлар билан таъминланади».

Олий ўқув юртлари, мактаблар, умуман ўқитиш учун мўлжалланган барча қўлланмаларни тайёрловчи авторлар албатта бу талабларга риоя қилишлари керак. Чоп этишга рухсат берувчи илмий кенгашлар эса тегишли луғавий изоҳсиз китобларни нашрга узатмасликлари зарур. Менимча, дарсликларимиз юқоридаги талаблар асосида чоп этилсагина ҳар томонлама зукко, ҳар бир сўзнинг мағзини чақа оладиган, билимдон кишиларни тарбиялашимиз мумкин.

Давр талаби, қайта қуриш жараёнлари, мамлакатимизнинг социал-иқтисодий ҳаёти халқимизнинг тилга бўлган эҳтиёжини ҳар томонлама қондириш заруратини тақозо этаётир.

Қайта қуриш шароитида халқ таълими, малака ошириш системасининг барча бўғинларида тилни ўқитишни кучайтириш, таълим ва тарбия самарадорлигини сифат жиҳатидан такомиллаштириш вазифасини ҳал этган бўлар эди.

**Б. КАРИМОВ,**
**Чилонзор районидаги 138-мактабнинг математика ўқитувчиси.**

# ТАКЛИФЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР

Ўзбек тилининг давлат тили ҳуқуқига эга бўлиши ленинча миллий сиёсат тантанасининг ёрқин мисолидир. Жумладан, мен ҳам ушбу қонунни маъқуллаган ҳолда лойиҳа ҳақида ўз фикрларимни билдираман.

12-моддада «... Раҳбар муомала ва ахборот тили сифатида ўзбек тилини ёки рус тилини қўллаши мумкин», — дейилади. Бундан нимани тушунса бўлади? Илгари ҳам шундай эмасмиди? Мен бу бобга «Раҳбар-миллатидан қатъий назар, давлат тилини билиши шарт», деган қўшимча киритишни таклиф қиламан.

Шунингдек VIII бобдаги 30, 31-моддаларга ҳам эътирозларимиз бор. Ўзбекистон ССРда шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар, кўчалар, майдонлар ва бошқа территориал объектларнинг номлари лойиҳада қайд этилганидек эмас, менимча фақат соф ўзбек тилида бўлиши ва бошқа тилга мутлақо таржима қилинмаслиги, ҳатто талаффузи ҳам ўзгартирилмаслиги керак.

**К. РАУПОВ,**
**Паркент районидаги 17-ўрта мактаб директори.**

● ●

Биз Юнусобод массивида яшовчи бир гуруҳ аёллар Ўзбекистон ССРнинг Тиллар тўғрисидаги қонун лойиҳаси билан танишиб чиқдик. Шунинг учун баъзи мулоҳазаларимизни умумлаштириб, сизларга юборяпмиз.

1. Лойиҳанинг 12, 13, 14, 15-моддаларига қўшилмаймиз, чунки улар кўпроқ икки тиллиликка асосланган.

2. Ўзбекистон ССРнинг Тиллар тўғрисидаги қонуни сарлавҳаси «Ўзбекистон ССРнинг Тил тўғрисидаги қонуни» деб ўзгартирилишини таклиф этамиз. Шунингдек Ўзбекистон ССРдаги корхона, муассаса ва ташкилотларда барча ҳужжатлар давлат тилида яъни ўзбек тилида ёзилсин. Республикадан ташқарига чиқадиган ҳужжатлар СССРда миллатлараро муомала тили бўлган рус тилида олиб борилсин.

**Р. ИСЛОМОВА,**
**Ҳ. АЗИМОВА,**
**Р. ЮСУПОВА**
**ва бошқалар. (Жами 102 имзо)**

● ●

Ўзбекистон ССРнинг Тиллар тўғрисидаги қонуни лойиҳасининг эълон қилинишини мен мамнуният билан кутиб олдим. Чунки бу муҳим ҳужжатни халқимиз анчадан буён орзиқиб кутган эди. Ниҳоят бизга ҳам ўз она тилимизни янада ривожлантириш, бойитиш имкони яратилар экан деб қувонган эдик. Афсуски, лойиҳа билан танишиб чиққач, кўпгина эътирозлар туғилди.

1-моддада айтилишича, ўзбек тилининг расмий давлат тили мақомига эга бўлиши Ўзбекистон ССРда яшайдиган бошқа миллат гражданларининг ўз она тилини ва миллатлараро муомала тили сифатида рус тилини қўллашдан иборат конституцион ҳуқуқларини камситмайди. Бу моддадан мен рус тилини яхши билмасанг, юқори идораларга, маъмурий ташкилотларга мурожаат қилма, деган маънони англадим.

2-моддага эса Ўзбекистон ССРда барча хат-ҳужжатлар давлат тилида олиб борилади, деган қўшимча киритишчани таклиф этаман.

4-моддага республика территориясида ўзбек тилининг аҳамиятини ошириш учун рус ва бошқа миллат вакилларига икки-уч йил муддат ичида давлат тилини ўрганишга барча шароитлар яратиб бериш керак, деган қўшимча киритилса тўғри бўларди деб ўйлайман.

Муассасалар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари билан раҳбар ўртасидаги хизмат юзасидан бўладиган муносабатларда муомала ва ахборот тилини тобе ходим танлайди, деган 12-моддага ҳам қўшилмайман. Бунинг ўрнига ягона ўзбек тилини қўллаш керак, деган қўшимчани таклиф этаман.

24-моддани маъқуллаб, қуйидаги мулоҳазаларимни билдираман:

Ўрта ва олий мактабларда дарслик сифатида араб алифбоси ҳафтада 2—3 соат ўқитилиши, бунинг учун эса кўп нусхада дарсликлар тайёрлаш керак. Агар ўринли деб топилса, араб тилида ойлик журнал чиқиб турса, деган истагим ҳам йўқ эмас.

Шунингдек 30-моддага таклифим: шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар, майдонлар, кўчалар ва бошқа территориал объектларга, муассаса, корхона ва ташкилотларга ўзбек халқининг тарихий қаҳрамонлари, севимли шоирлари, давлат арбоблари, миллий қаҳрамонлари, олимлари, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари номлари берилса яхши бўларди. Уларнинг исм-фамилиялари аслида қандай бўлса худди шундай ёзилиши керак.

Албатта, лойиҳа муҳокамасига доир фикр-мулоҳазаларни ўрганаётган ишчи комиссия аъзолари матбуот саҳифаларида билдирилаётган мана шундай таклиф ва қўшимчаларни ҳам ўрганиб, эътиборга олишар деб умид қиламиз.

**Э. ҚОДИРОВ,**
**Ўзбекистон ССР Халқлари тарихи музейи катта илмий ходими.**

# ҚИЁМИГА ЕТМАГАН

ЎЗБЕК тилига давлат мақоми бериш ҳақидаги қонун лойиҳасини узоқ кутдик. Ниҳоят лойиҳа матбуотда эълон қилинди. Унинг бошланишидаёқ **«...Қонун республика территориясида ўзбек тилини давлат тили сифатида расман қўллашнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради»** деб ёзилганлиги кишида ишонч ва умид туйғуларини уйғотади. Афсуски лойиҳа билан чуқурроқ танишиб чиққач ўзбек тилини давлат тили сифатида ишлатса ҳам, ишлатмаса ҳам бўлаверар экан, деган фикр туғилади. Ана шу фикр «Ўзбек тилининг ҳуқуқий статуси» бобининг I-моддасидаги **«Ўзбек тилининг расмий давлат тили статусига эга бўлиши Ўзбекистон ССР да яшайдиган бошқа миллат гражданларининг ўз она тилини ва миллатлараро муомала тили сифатида рус тилини қўллашдан иборат конституцион ҳуқуқларини камситмайди»** ҳамда лойиҳанинг бошланишида келтирилган **«Ўзбекистон территориясида рус тили СССР халқларининг миллатлараро муомала тили бўлиб хизмат қилишини, шунингдек, бошқа миллий тилларнинг қўлланишини таъминлайди»** дейилган жумлаларнинг моҳияти бугунги мавжуд ўзбек тили имкониятларини барибир чеклашдан иборатдир.

Тўғри, рус тили миллатлараро мулоқот воситаси эканлигини ҳеч ким инкор этмайди. Лекин Ўзбекистонда давлат тили мавжуд бўлса-ю, мулоқот учун фойдаланиш имкониятига эга бўлмаса... унинг давлат тили бўлганлиги қаерга борди? Шунинг учун юқорида келтирилган жумлалар қайта кўриб чиқилиши ва бизнингча: **«Ўзбекистон ССРда яшовчи халқлар учун ўзбек тили мулоқот тили сифатида хизмат қилади ва бошқа миллат тилларининг қўлланилиши камситилмаслигини таъминлайди»** деб ёзилиши керак.

Лойиҳанинг 3-моддаси ҳам аниқлик киритилишга муҳтож. Унда **«Ўзбекистон ССР чегарасидан ташқарига жўнатиладиган расмий хат-ҳужжатлар асосан рус тилида ёки ҳар икки томон учун мақбул** (қайси томон ҳақида гап бораётганлиги номаълум) **тилда тузилади»** дейилган. Ўзбекистон ҳақиқатан ҳам мустақил республика тарзида мавжуд бўлса, нега энди давлат тилида ташқарига хат-ҳужжатлар чиқариш мумкин эмас? Шунинг учун мазкур жумла **«...ташқарига чиқариладиган ҳужжатлар ўзбек тилида ҳамда бирорбир халқаро тилда (рус, инглиз, француз ва ҳоказо) ёзилади»** дейилиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, лойиҳанинг «Гражданнинг тил танлаш ҳуқуқи ва бу ҳуқуқни танлаш кафолоти» бобининг 7-моддасидаги **«...таклифлар, аризалар ҳамда шикоятлар билан давлат тилида ёки ўзлари билган бошқа тилда мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар»** жумласи **Ўзбекистон ССР гражданлари давлат ва жамоат органларига таклифлар, аризалар ҳамда шикоятлар билан давлат тилида мурожаат қиладилар»** деб берилиши лозим.

Лойиҳанинг III бобидаги 9-, 10-, 11-моддалар ҳам анча ғализ. Уларда ўзбек тили давлат тили бўлиши лозимлиги сезилмайди. Бу бобнинг ҳамма моддаларида **«...Ўзбек ва рус тилларида бўлиши»** қайд қилинадики, бу ўз навбатида икки тилликни тарғиб этади. Булардан ташқари мазкур бобдаги **«...ҳужжатлар ўзбек ва рус тилида ёзилади»** жумлаларига ҳам аниқлик киритиш зарур. Чунки нима кўп, ҳужжат турлари кўп. Масалан, протоколлар, акт ва шартномалар... Агар протоколлар икки тилда ёзиладиган бўлса, яхшиси ўзбек тилидан воз кечиш афзалроққа ўхшайди. Чунки ҳужжатларни ҳар икки тилда ёзиш оғирлик қилади.

Тўғри, бизнинг жамиятимизда тенг ҳуқуқлилик керак. Лекин унинг ўз қонун-қоидалари, талаблари ва йўлланмалари ҳам бўлиши лозим. Лойиҳада эса ана шу йўлланма йўқ.

Лойиҳанинг «Маъмурий-территориал бирликларнинг номлари, шахс исмлари» боби ҳам қайтадан кўриб чиқилиши керак. Шу бобнинг 30-моддасидаги **«...номлари ўзбекча ягона миллий шаклда берилиб, кейин рус тилига, зарур бўлган жойларда ғуж яшайдиган миллий гуруҳлар тилига таржима қилинади»** деган фикрга асло қўшилиб бўлмайди. Одамларнинг исм ва фамилияларини таржима қилиш мумкин бўлмаганидек, кўча, шаҳар, майдон, бекат номлари ҳам таржима қилинмайди. Масалан, биз Москвани Масква, Парижни Пориж деб ишлатмаймиз-ку!

Умумий хулоса шуки, лойиҳа қиёмига етмаган ва уни амалиётга тадбиқ этишдан аввал қайтадан кўриб чиқиш лозим. Акс ҳолда бу лойиҳа халқлар орасида бирликни эмас, балки келишмовчиликларни келтириб чиқаради. Биз шу кунга қадар кўп минг сонли олий ўқув юрти талабаларининг «Нима учун ўзбек тили давлат тили эмас?» «Аввал ўзбек тили давлат тили бўлган, у қачон ва ким томонидан бекор қилинган?» «Давлат тили бўлмаган республикаларни мустақил давлат тарзида тушуниш мумкинми?» каби ўринли саволларига виждон амрига зид ҳолда сохта жавоб бериб келганимиз етар.

**Н. АБДУЛЛАЕВ,**
**санъатшунослик кандидати, доцент.**

# БУ ТАРЗДА ҚЎШИЛИБ БЎЛМАЙДИ

**Инқилобдан кейинги 71 йиллик тарихимиз давомида имломиз уч маротаба ўзгарди. Неча минг йиллик тарихимиз битилган араб графикасидан юз ўгириб ўзбек халқининг икки фоизинигина саводлилар ташкил этади, деган мантиққа зид фикрни ёдлаб олишни маъқул кўрган хуштавозе юртимиз фожиасини эндигина ҳис этмоқдамиз.**

**Ўзбек миллати ва диёридан етишган Улуғбек, Абу Али ибн Сино, Беруний, Муҳаммад ал Хоразмий, Умар Ҳайём ва ҳоказо олимлар, адабиёт бобида улуғ Навоий ва унинг издошлари яратган тарихий обидаларни, ёдгорликларни ўқиб, мағзини чақмоқдан маҳрум эканимизнинг ўзи фожиа эмасми? Навоий, Бобур қўлёзмалари асл нусхалари ўз Ватанида эмас, Британия давлат кутубхонасида сақланса, ундан валюта ҳисобигагина фойдаланиш мумкин бўлса, талон-тарож қилинган маданиятга етиша олмай, зорланишдан бўлак дастимиз қаерга ҳам етарди?**

**Газеталарда Тиллар тўғрисидаги Қонун лойиҳасига турли фикрлар билдирилмоқда. Кўпчилик ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилишига зид бўлган чалкашликлардан ранжимоқда.**

**Аввало, бу ҳужжатнинг номланиши ўз вазифасига номувофиқ тарзда. Бизнингча, «Ўзбекистон ССРнинг Тиллар тўғрисидаги Қонуни» лойиҳаси эмас, балки «Ўзбекистон ССРнинг ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши тўғрисидаги Қонуни» лойиҳаси деб аталиши керак. Зеро, 1924 йилги республика Конституциясида ўзбек тили республиканинг давлат тили, деган фикр қайд этилгани билан унга асло амал қилинмаган. Ҳамма тадбирлар, мажлислар, айниқса, раҳбарлар муомаласи ва турли мезондаги ёзма ахборотлар рус тилида олиб борилгач, ўзбек тили ўз-ўзидан четга чиқиб, уйда сўзлашув тилига айланиб қолди, холос. Бундан буён амалий жиҳатдан ўзбек тилига қандай эътибор берилишига қараб унинг ривожланиши, ҳаёт-мамот масаласи ҳал этилади.**

**1-бобнинг 3-моддаси: «Рус тили миллатлараро муомала воситаси» жумласи «Ўзбекистон ССРда давлат тили — ўзбек тили муомала воситаси» деб ўзгартирилмоғи лозим. (Юқоридаги жумла: ҳамма республикалар учун умумлашма фикр тарзида СССР Конституциясида қайд этилиши лозим, бу ерда такрорлаб ўтиришнинг ҳамда Қонун сифатида тасдиқланишининг асло ҳожати йўқ). Қолаверса, рус тили жаҳон тили сифатида тан олинаётгани учун ҳам ҳимояга муҳтож эмас. (Шу тариқа 3-модданинг қолган «рус тилида» деб ёзилган жумлалари «ўзбек тилида» деб ўзгартирилмоғи керак).**

**3-бобнинг 9-моддасида «Ўзбекистон ССР Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятида мажлис ва бошқа кенгашларда қўлланиладиган тил — ўзбек тилидир», — деб ёзилиши ҳамда «қоида тариқасида» деган жумла олиб ташланиши даркор.**

**Шу бобнинг 11-моддаси, шунингдек, IV бобнинг 12, 13, 14 ва 15-моддаларидаги рус тилида деган жумлалар ўрнига тегишли бирор бобда рус тилига оид барча фикрлар умумлаштирилса, акс ҳолда қонун лойиҳаси ўзбек ва рус тилига давлат тили мақоми берилиши устида бораётгандай, ҳар бир жумладан кейин такрорланаверади. Лойиҳанинг бундай ҳолати ўзбек халқи манфаатлари, ҳуқуқини камситиш, қолаверса, рус тилида сўзлашавериб, она тилининг мазмун-моҳиятини унутиб қўйган баъзи раҳбарлар манфаатига мос қилинган иш бўлиб қолаверади.**

**Хуллас, лойиҳа таҳрирга, виждон ва қалб амри билан тузатишларга муҳтож. Акс ҳолда, Тиллар тўғрисидаги Қонун ўзбек халқига ҳеч қандай янгилик олиб келмаслиги аниқ.**

Н. ОЧИЛОВА,
С. МИРЗААҲМЕДОВА,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти кўп нусхали «Тўқимачи» газетаси ходимлари.

# ИККИ ТИЛЛИЛИКНИНГ ЎЗГИНАСИ-КУ!

Ўзбекистон республикаси территориясида ўзбек тили давлат тили сифатида қабул қилинса ленинча миллий сиёсатнинг, ошкоралик ва демократиянинг яна бир бор амалдаги тантанаси бўларди. Қабул қилинадиган янги қонун турғунлик йиллари давомида мутлақо четда қолиб, унутилаёзган бой тарихимизни, маданий меросимизни, илғор анъаналаримизни чуқурроқ ўрганишимизга, қайта тиклашимизга амалий ёрдам беради, деб умид қиламиз.

Ўзбекистон ССРнинг Тиллар тўғрисидаги қонуни ҳар жиҳатдан мукаммал бўлиши керак. Лекин қонун лойиҳасини ўқиб, шу мукаммаллик ва аниқликни сезмаяпмиз. Лойиҳанинг баъзи бир боб ва моддалари мазмуни мунозарага сабаб бўлаяпти.

Масалан, 1 бобда ўзбек тилига бериладиган ҳуқуқий мақомнинг зарурияти ва конституцион асоси сезилмайди. Ўз-ўзидан маълумки, ўзбек тилига давлат мақоми берилиши моҳияти жиҳатдан партиямизнинг ленинча миллий сиёсати, ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Конституцияларига зид келмайди. Лойиҳанинг 1-моддасидаги «Ўзбек тилининг расмий давлат тили статусига эга бўлиши» сўзларидан кейин «унинг Конституцион ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилгандир» деган сўзлар қўшилса мақсадга мувофиқ бўларди.

9-моддада қандайдир зиддият сезилади. Унда «Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятида мажлис ва бошқа кенгашларда қўлланадиган тил қоида тариқасида ўзбек тилидир. Ўзбек тилини билмайдиган шахслар учун рус тилига ё миллий гуруҳлар тилига таржима қилиш таъминланади» дейилади. Бу ерда бир нарса тушунарли эмас. Нима учун «қоида тариқасида» деган сўз қўлланилган? Бу ҳолда қоидадан чиқиш имконияти ҳам бўлади деган фикр туғилмайдими? Бизнингча, ҳамма нарса ўз номи билан айтилиши лозим. Модомики, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилар экан, марҳамат қилиб ҳамма жойда шу тилда гапиришга ҳаракат қилишимиз керак. Ўзбек тилини билмаган шахсларга ўзбек тилини ўрганиб олишлари учун маълум муҳлат берилиши лозим. Майли бир неча йил бўлсин. Акс ҳолда ўзбек тилини яхши билмайдиган раҳбар ходимлар учун биз яна ўзбек тилида гаплашмасликка шароит яратган бўламиз. Бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Қонун лойиҳаси чиққандан сўнг ўзбек тилини катта қизиқиш билан ўрганаётган ўртоқларнинг ўзбек тилига муносабати тубдан ўзгариб қолганлиги сезиляпти. Мен ўзбек тилини ўрганишни истовчи раҳбар ходимлар учун курсларда ўзбек тилидан машғулотлар олиб бораётган эдим. Улар лойиҳанинг чиқишини катта қизиқиш билан кутаётган эдилар. Уларда модомики ўзбек тилига давлат тили мақоми берилар экан, демак шу тилни билиш шарт деган тушунча, истак пайдо бўлаётган эди. Тингловчиларда ан тил ўрганишга бўлган қизиқиш яққол сезилиб турар эди. Лекин лойиҳада ўзбек тили билан рус тили қарийб баравар ҳуқуққа эга бўлиб қолганлиги уларда ўзбек тилини ўрганишга бўлган қизиқишни бирмунча сусайтириб юборди. Қонун лойиҳасида ўзбек тилини билмайдиган шахслар учун рус тилига ёки миллий гуруҳлар тилига таржима қилишни таъминлаш кўзда тутилганлиги шунга олиб келди.

37-модда ҳам бироз таҳрирга муҳтожга ўхшайди. Унда «Давлат тили расман ишлатиладиган соҳаларда ўзбек адабий тилининг амалдаги қонун-қоидаларига риоя этилади», дейилган. Демак, давлат тили расман ишлатилмайдиган ўринлар ҳам бўладими? Ундай бўлса, қайси ўринлар, аниқ айтиш керак.

Энди 12-моддага кўз ташлайлик. «Муассаса, корхона ва ташкилотнинг ходимлари билан раҳбари ўртасидаги хизмат юзасидан бўладиган муносабатларда муомала ва ахборот тилини тобе ходим танлайди» дейилган. Яхши. Лекин шундан кейин эса «раҳбар муомала ва ахборот тили сифатида ўзбек тилини ёки рус тилини қўллаши мумкин» дейилгани қизиқ. Бу нимаси, тобе ходим танлайдими ёки раҳбар хоҳлаган икки тилдан бирини қўллайдими? Раҳбарлар марҳамат қилиб ўзбек тилини ўргансинлар. Шу ўринда раҳбар ўзбек ва рус тилларини билиши шарт дейиш керак эди.

Лойиҳада тиллар тўғрисидаги қонун босқичма-босқич жорий этилади дейилган. Бу жуда тўғри. Айни вақтда ҳозирдан бошлаб ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши муносабати билан амалга оширилиши керак бўлган тадбирларни ҳам босқичма-босқич бажаришга киришаверишлозим.

**М. УСМОНОВА,**
**Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти ўзбек тили кафедраси ўқитувчиси, филология фанлари кандидати.**

# Аввало ўзимиз қадрлайлик

Янгийўл шаҳридаги Абу Али ибн Сино номли медицина билим юртида Тиллар ҳақидаги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Анчагина фойдали таклифлар, истаклар билдирилган бу даврада педагоглар муҳим муаммолар ҳақида фикр юритдилар.

— Лойиҳа матбуотда эълон қилингандан кейин,— дейди директор Вазира Топилова,— энди лекцияларни қандай қилиб ўзбек тилида ўқиймиз, дарсликлар бўлса ҳам кошки эди деган маънода турли жойлардан ҳамкасбларим қўнғироқ қилишди. Мен уларга бу ишлар босқичма-босқич амалга оширилишини тушунтирдим. Ўзбек тилига давлат мақоми берилишини кўпчилик қатори қўллаб-қувватлашимни айтдим.

Билим юртида дарслар ўзбек тилида ўтилишининг тарафдориман. Чунки бир неча йиллардан бери ўрта мактабда болаларни турли мавсумларда дала ишларига жалб этавериш уларни чаласавод қилиб қўйди. Бу фақат медицина соҳасидагина эмас, бошқа ихтисослик бўйича ўқув муассасаларида ҳам малакали кадрлар тайёрлашга путур етказганлиги ва етказиб келаётганлиги сир эмас. Энди худди шундай юзаки илм олганларга дарслар рус тилида ўтилса, бунинг устига умуман ўзбекча дарсликлар бўлмаса пухта мутахассислар тайёрлаш ҳақида гап бўлиши мумкинми? Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳозирнинг ўзиданоқ тиббиёт бўйича ўзбек тилида дарсликлар яратиш муаммосини ҳал этишга киришиши керак деган фикрдаман.

Энди ўзимиздаги иш услубимизга келсак. Шуни мамнунлик билан айтмоқчиманки, бир неча йиллардан буён биз дарсларни ўзбек тилида ўқитиб келяпмиз. Лекин ҳамон бир қатор терминларни ўзбекчалаштиришда қийинчиликлар мавжуд. Махсус луғатлар эса йўқ. Бу борада бизга медицина нашриёти ёрдам бериши керак.

Қонун лойиҳаси ҳақида умумий фикрим ҳам йўқ эмас. Назаримда у жуда шошма-шошарлик билан тайёрланган. Бу лойиҳани шу ҳолда тасдиқлайверсак, идоралар, ўқув юртларида иш юритиш услуби эскича қолаверади. Халқимиз эса ўзбек тилининг қадр-қимматини оширишни талаб қиляпти.

— Менимча,— дея сўз бошлади педагог Раъно Лутфуллаева,— ўқишга қабул жараёнида аризаларни ўзбек тилида ёзишга ўтганлигимиз кўплаб қишлоқдан келган ёшларнинг мушкулини осон қилди. Бу йил ҳам тартиб шундай. Буни нега алоҳида таъкидлаяпман. Бошқа ўқув муассасаларида ҳам шу тартибни қўлласалар тўғри бўларди.

Шу куни талабалар Фарида Расулова, Таня Цхелар билан ҳам қонун лойиҳаси ҳақида суҳбатлашдик. Улар рус группасида ўқиётганликларига қарамай, ўзбек тилини астойдил ўрганишга ҳаракат қилаётганликлари ҳақида гапирдилар.

— Мен умуман, ўзбек тилини севаман,— дейди Таня. — Қўшниларимиз ўзбеклар. Уларнинг урф-одатларидан ҳам хабардорман. Тил билишим эса келгуси ишимда қўл келиши табиий. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишини биргина мен эмас, бу тилга меҳр қўйган оиламиздагилар ҳам мамнунлик билан кутиб олишди.

**Г. МАМБЕТОВА.**

# ЭСКИ СЎЗЛАР ЛУҒАТИ

Ошкоралик ва демократия туфайли халқимиз ўтмиш маданиятини ўрганиш имкониятига эга бўлмоқда. Турли жойларда эски ўзбек ёзуви курслари ташкил қилинмоқда. Ўқувчилар бунга катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Хилма-хил ўқув қўлланмалари яратилмоқда. Улар бугунги кунда курс ўқувчилари учун ниҳоятда зарур. Ана шундай керакли қўлланмалардан бири Р. Жуманиёзов ва А. Жумаевлар томонидан тузилган «Эски ўзбек тили ёдгорликларидан олинган сўзлар луғати»дир. Бу кичик ҳажмли луғатнинг асосий мақсади ўқув қўлланмаларида илова сифатида келтирилган матнларда учрайдиган арабча-форсча сўз маъноларини очиб беришдан иборат. Луғат араб-форс алифбоси асосида тузилган бўлиб ҳар бир ҳарфга муайян миқдорда сўзлар келтирилган. Сўзлар миқдори у ёки бу сўзнинг эски ўзбек тилида кўп ёки кам ишлатилиши билан боғлиқ. Масалан, «м» ҳарфи билан бошланувчи сўзларнинг луғатда кўп учраши уларни эски ўзбек тилида кенг истеъмолда бўлганлигини кўрсатади. Дарҳақиқат, эски ўзбек тилида битилган ёдгорликларга назар ташланса, уларда мовий (кўк), мажнун (телба), маҳбуб (севикли), мухтасар (қисқаси), мукаррам (олижаноб), масрур (шод) каби сўзларни кўп учратишимиз мумкин.

Луғатнинг методик жиҳатдан аҳамияти шундан иборатки, унда арабча-форсча сўзларнинг ёзилиши аниқ кўрсатиб берилган. Бу ўқувчига у ёки бу сўзнинг ёзилишини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Чунки араб-форс тилларида учта с (се, сод, син), иккита т (итқи, те), тўртта з (зол, зе, зод, изғи), иккита ҳ (ҳойи ҳутти, ҳойи ҳаввоз) ҳарфларининг мавжудлиги айрим сўзни қайси ҳарф билан ёзилишида қийинчилик туғдиради. Инчунин улар маъно ажаратиш хусусиятига эга.

Луғат методик қўлланма сифатига эга эканлиги учун содда тузилган. Сўзларнинг асосан, бир маъноси келтирилган. Бу маъно илова тариқасида келтирилган матнларни ўқиш учун етарди. Бу луғат эски ўзбек ёзувини ўрганувчилар учун катта аҳамиятга эга.

**Э. УМАРОВ.**

# СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари, СССР Госпланининг раиси **Ю. Д. Маслюков** реал иқтисодий вазиятдан кўра, кўпроқ сиёсий тактика мулоҳазалари тақозо этаётган, унинг иборасича, «қизғин қарорлар» қабул қилишда шошма-шошарлик ярамаслигини айтиб, огоҳлантирди. Унинг фикрича, бундай қарорлар қабул қилишга ҳали вақт эрта.

Музокарада сўзга чиққан депутат **Г. И. Фильшин** қонун лойиҳасини ижодий юксалишнинг, ишга, маҳсулот сифатига муносабатнинг йирик омили, деб атади.

Депутат **А. И. Чабанов** республикаларнинг иқтисодий жиҳатдан мустақилликка ўтиши зарур деган фикрга қўшилиб, ўз нутқида бу масалани умумий совет хонадони нуқтаи назаридан қараб чиқиш лозимлигини айтди. Ҳозир бутун дунёда интеграция жараёнлари бормоқда, деб таъкидлади у. Биз эса кучли марказга эга бўлмаганимиз учун алоҳида ўлкаларнинг йиғиндисига айланиб қолишимиз мумкин. Шу сабабли бу муаммони, депутатнинг фикрича, қонунда таклиф этилаётган ва нимани хоҳласак шуни берамиз, деган принцип асосида эмас, балки интеграция, кучли марказни барпо этиш йўлида ҳал этиш керак.

Биз тарихий ишни бошлаб, экономика ва жамиятимизни реконструкциялашнинг туб масалаларини муҳокама қилишга киришмоқдамиз, деб таъкидлади депутат **Ф. М. Бурлацкий**. Худди ана шу лойиҳани мажлис кўриб чиқиши учун тақдим этиб, президиум тўғри қилдими, ёки умумий принциплар тўғрисидаги лойиҳани тақдим этиш керакмиди? Ана шу саволга жавоб берар экан, нотиқ муҳокама қилинаётган ҳужжатнинг катта аҳамияти ва актуаллигини уқтирди, депутатларнинг сўзи ҳам шундан далолат бериб турибди.

Биринчи навбатдаги қонунларни бу йилги сессияда қабул қилишга қарор қилган эканмиз, бундан ана шу қонунлар келгуси беш йилликдан амал қилади, деган маъно чиқмайди, деди депутат **П. Г. Бунич**.

Депутат **В. И. Лисицкий** қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

Депутат **В. А. Ярин** муҳокама қилинаётган ҳужжатларнинг муҳимлигини таъкидлар экан, шунга қарамасдан, 90-йилдан бошлаб, республика хўжалик ҳисобининг жорий этилишига қарши овоз бераман, деб таъкидлади ва Россия депутатларига мурожаат қилиб, ўзини қўллаб-қувватлашларини сўради.

Депутат **С. Н. Федоров** қабул қилинаётган қонун мамлакатимизнинг умумий тараққиётига ёрдам беради, деб таъкидлади. Чунки мазкур қонун корхоналарнинг мустақиллигини, одамларнинг қўли узун бўлиб қолишини, улар мулкнинг турли формаларига эга бўлишини, давлатнинг кўп укладлилигини қарор топдиради. Шундай қилмасак, деб таъкидлади нотиқ, буйруқбозлик — бюрократик система сақланиб қолаверади.

Депутат **Ю. Х. Калмиков** тақдим этилган қонун лойиҳасининг айрим ҳуқуқий жиҳатларига тўхталди.

Бугун биз сессия иш бошлаган вақтдан буён энг муҳим ҳужжат лойиҳасини кўриб чиқмоқдамиз, деди депутат **М. А. Бочаров**. Мустақиллик, давлат буюртмаси, бозор бунёд этишга доир масалалар сира шубҳа туғдирмайди. Ўн учинчи беш йилликни кутиб ўтирмай, буларнинг ҳаммасини иложи борича тезроқ қилиш керак.

Болтиқбўйи республикаларининг 1990 йил 1 январидан бошлаб хўжалик ҳисобига ўтиш тўғрисидаги таклифини қизғин қўллаб-қувватлаш керак, деб уқтирди депутат **С. С. Алексеев**.

Депутат **И. Н. Грязин** муҳокама қилинаётган масаланинг юридик жиҳатларини юрист сифатида тилга олди. Хўжалик ҳисоби ҳақида гапирар экан, у масаланинг уч жиҳатини таъкидлаб ўтди. Буларсиз хўжалик ҳисоби, унинг фикрича, бор-йўғи «навбатдаги бухгалтерия найрангбозлиги» бўлиб қолади. Бу эгалик ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ва тасарруф этиш ҳуқуқидир.

Шундан кейин **М. С. Горбачев** СССР Олий Совети раиси номига келган икки телеграмма матнини ўқиб эшиттирди:

Кечки мажлисда **А. И. Лукьянов** раислик қилди.

Кун тартиби масаласи юзасидан мунозара давом эттирилди.

СССР Олий Советининг саноат, энергетика, техника ва технологияни ривожлантириш масалалари билан шуғулланувчи комиссиясининг раиси, депутат **В. Е. Курташин** Болтиқбўйи республикаларида хўжалик ҳисоби тўғрисида гапирди.

Муҳокама этилаётган масалалар бутун совет халқи учун аҳамиятлидир, деди депутат **Э. Й. Вилкас**. Аслида гап социализмнинг янги модели тўғрисида, СССРнинг янги давлат қурилиши ҳақида бораяпти, деди у. Аммо биз бир фикрга кела олмаяпмиз, чунки, афсуски, биз ана шу масалаларни ҳамон ҳар хил тушунаяпмиз. Шу муносабат билан нотиқ бир қанча танқидий фикрларнинг зиддиятли эканлигини айтди.

Бугунги қонун лойиҳасини муҳокама қилишда, деди депутат **А. Н. Саунин** биз бир қанча зиддиятларга дуч келаяпмиз. Энг аввало масалани у ёки бу таҳлитда қўйилиши тўғри эмас. Унисини ҳам, бунисини ҳам кўриб чиқиш, яъни ўзаро муросага келиш зарур.

Депутат **М. Л. Бронштейн** Эстониянинг мўлжалланаётган хўжалик ҳисобига ўтишининг ўзига хос хусусияти тўғрисида гапириб, бундай қадам республикалар ва умуман иттифоқ халқ хўжалиги комплекслари яхлитлигини ҳеч бир даражада бузмайди, деди.

Депутат **И. Н. Дьяков** ўз нутқида хўжаликни янада оқилона юритишга, экономикани янги изга кўчиришга, республикалараро иқтисодий муносабатларни яхшилашга интилиш қўллаб-қувватлашга лойиқ эканлигини таъкидлади. Эстония билан Литва мутахассислари ва ҳукуматларининг қатъияти — бошқа республикаларга, айниқса Россия Федерациясига намунадир.

Депутат **М. Б. Омонова** барча иттифоқдош республикаларга иқтисодий мустақилликка ўтиш имкониятини бериш зарурлиги тўғрисидаги фикрларни шарҳлаб, бундай масалани ўртага қўйилиши унчалик жиддий эмас, деди. Бунга сабаб энг аввало регионларнинг аҳволи бир хил эмаслигидир. Бу кўп жиҳатдан давлатимизнинг жуда катта ҳажмда эканлиги, унинг айрим қисмлари нотекис ривожланиши билан изоҳланади.

Минбарга депутат **В. И. Воротников** чиқади: Эстония ва Литвада, сўнгра эса Латвияда, ана шу республикаларнинг раҳбарлари ва вакиллари айтишича, сиёсий вазиятни ҳам барқарорлаштиришга, иқтисодий потенциални мустаҳкамлашга, социал ва бошқа муаммолар нуқтаи назаридан республикалар ривожланишини таъминлашга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилганлигини табриклаш зарур, деб ўйлайман. Ғоянинг ўзи, мазкур масала қўйилишининг ўзи ва ана шу республикаларнинг олимлари, мутахассислари олиб борган бундай узоқ ва қунт билан олиб борилган иш ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, ҳурмат ва эътиборга лойиқдир, деди нотиқ.

Ўн йиллар давомида сунъий тарзда сақлаб турилган экономика объектив қонунлар асосида ривожланиши учун уни табиий ҳолатга келтириш даркор, деди депутат **В. С. Адвадзе**. Марказлаштиришдан маҳаллий бошқарувга ўтиш, хўжаликни бошқаришни иттифоқдош республикаларга топшириш лозим. Республикаларнинг ҳар бири халқ хўжалиги комплекси олдида ўз мажбуриятлари ошишини назарда тутиб, ана шу жойда тартиб ўрнатиши керак.

Нотиқ бундай улкан мамлакат экономикасини марказдан туриб муваффақиятли бошқариш мумкин эмаслиги тўғрисида гапириб, «кучли марказ, кучли республикалар» тезисини танқид қилди. Агар гап экономика тўғрисида борса «кучли республикалар — кучли иттифоқ» дейиш тушунарлироқ бўлур эди. Агар гап бошқарув тўғрисида борадиган бўлса, деб давом этди у, бундай тезис умуман яроқсиздир.

Литва ва Эстония иқтисодий тангликдан қутулишга қарор бердилар, аммо кимдир «бу мумкин эмас, бу конституцияга мос келмайди» дейишга уринмоқда. Мамлакатда фавқулодда ҳолат юзага келган пайтда эскирган моддаларни рўкач қилиш ярамайди. Болтиқбўйи республикалари таклиф этган ҳужжатлар мамлакатда ва ана шу республикаларда вужудга келган реалликларни ҳисобга олиб, ҳозирги иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий тафаккур асосида тузилган, дейди нотиқ. Мазкур ҳужжатларни рад этиш учун сабаблар йўқ, шундай қилинса бемаъни иш бўлур эди. Депутат демократиялаш шунчаки қуруқ сўз эмаслигини тасдиқлаш учун мазкур қонун лойиҳасини муҳокама қилишга сиёсий позициялардан ҳам ёндашишга даъват этди. Сўнгра эса иттифоқимиз суверен, тенг ҳуқуқли республикалар иттифоқи бўлиши учун уни қай тариқа қайта қуриш кераклиги тўғрисида ўйлаш лозим.

Депутат **В. А. Карпочев** муҳокама қилинаётган қонун лойиҳасида гап регионал хўжалик ҳисоби тўғрисида эмас, балки «Болтиқбўйи республикаларининг иқтисодий ва сиёсий мустақиллиги ҳақида» бораяпти, деб унга нисбатан кескин танқидий муносабат билдирди. Олий Совет, деди нотиқ баъзиларга - бошқаларга нисбатан имтиёз бермай, балки СССРдаги барча халқларнинг турмуши ва фаолиятини яхшилаш муаммолари билан шуғулланиши керак.

Мен ўз ҳаётим давомида, деди депутат **Я. П. Луцанс**, ҳеч қандай самара бермаган кўпгина ислоҳотларнинг гувоҳи бўлдим, чунки улар мажбуран тиқиштирилган нотабиий чала — ярим чоралар эди. Болтиқбўйи республикалари ўртага қўяётган таклифлар, мулкка нисбатан принципиал янги ёндашув бўлиб, кўпгина депутатлар буни конституцияга зид, деб ҳисобламоқдалар. Бу ҳақиқатан ҳам шундай, аммо Конституция ҳаракатга тўсқинлик қиладиган бўлса, уни қайта кўриб чиқиш даркор.

Депутат **А.-М. К. Бразаускас** Болтиқбўйи республикаларида юқорида иқтисодий мустақилликни ёқлаб келтирилган далиллардан ташқари жуда жиддий тусдаги сиёсий асослар ҳам борлигини таъкидлади. У муҳокама қилинаётган муаммоларнинг ғайриоддийлигини ҳамда уларнинг мамлакат бундан буёнги ҳаёти учун ғоят актуаллигини уқтириб, қуйидагича ўхшатишни келтирди: тоннел охирида ёруғ кўринди, келинглар шу ёруғни ўчирмайлик! Шу билан бирга нотиқ, Болтиқбўйи республикаларининг ташаббуси қандайдир иқтисодий ёки ажралиб чиқишга қаратилган мақсадни кўзда тутмайди, деб таъкидлади. Биз, деди у, мамлакат экономикаси яхлитлигига ҳеч қандай хавф солмаймиз.

Бугун сессиядаги ишимизнинг энг муҳим, энг мураккаб кунларидан биридир, деди депутат **Г. С. Игитян**, аслида гап экономикада дастлабки жиддий қадам қўйиш тўғрисида бормоқда. Айни пайтда бир-биримизга ишонч ҳақида гап бормоқда. Агар биз бир-биримизга ишонмасак, битта хонадонда қандай қилиб яшай оламиз? Ишимизнинг ва жамиятимиз тараққиётининг асоси айни ишончдир, мен шундай деб ҳисоблайман, деди нотиқ.

Музокара тўхтатилади.

Раислик қилувчи **А. И. Лукьянов** СССР Олий Советининг муҳокама қилинган масалага доир қарорлари лойиҳасини ўқиб беради. Бу қарорларнинг лойиҳаларини депутатларнинг таклифлари ва мулоҳазаларига мувофиқ равишда пухта ишлаб чиқилгандан сўнг келгуси мажлисда овозга қўйишга аҳд қилинди.

Палаталарнинг қўшма мажлиси ёпиқ деб эълон қилинади.

СССР Олий Советининг биринчи сессияси 27 июлда ўз ишини давом эттиради.

* * *

Шу куни СССР Олий Совети бир қанча комитетларининг ҳамда палаталар комиссияларининг мажлислари бўлди. (ТАСС).

# Н. И. РИЖКОВ ШАХТЁРЛАРНИНГ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

25 июль куни Кремлда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков Печора кўмир ҳавзаси, шунингдек Днепропетровск область Павлоград шаҳри шахталари забастовка комитетларининг вакиллари билан учрашди.

Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишни яхшилаш, шахтёрларнинг турмуш шароитини нормаллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Ишчилар ўз умрини яшаб бўлган планлаштириш усулларини, беқарор моддий-техника таъминотини кескин танқид қилдилар, тармоқ корхоналарини бошқариш системасини тубдан ўзгартириш зарурлигига эътиборни қаратдилар. Улар шунингдек коллектив меҳнат низоларини ҳал этишнинг самарали механизми ва ҳуқуқий асоси мавжуд бўлганида забастовкаларга кўп ҳолларда йўл қўйилмаслиги мумкин бўлур эди, деб айтишди.

Турли кўмир ҳавзалари кончиларининг талаблари кўп жиҳатдан бир-бирига мос келмоқда, деб уқтирди Н. И. Рижков, бу эса кўмир қазиб чиқарувчи турли районларнинг ўзига хос хусусиятларига қарамай, тармоқда муштарак жиддий муаммолар мавжудлигини тасдиқламоқда. Москвада ва жойларда шахтёрларнинг вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувларда қайд этиб ўтилганидек, улар кўтарган масалалар юзасидан қабул қилинган ҳукумат қарорлари бутун тармоқ учун, яъни Кузбасс, Қарағанда, Донбасс, Воркута ҳамда бошқа кўмир ва сланец ҳавзалари учун баб-баравар даражада амал қилади. Шу билан бирга қарорларда улардан ҳар бирининг хусусиятлари ҳам акс эттирилади.

Ҳозирги вақтда ҳукуматда шахтёрлар стачка комитетлари вакилларининг иштирокида ана шу комитетлар ҳамда СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг комиссиялари имзолаган баҳамжиҳат чоралар тўғрисидаги протоколларда баён этилган позициялар пухта ишлаб чиқилмоқда ва тегишли қарор тайёрланмоқда. Бу ишни август ойининг бошларида ниҳоясига етказиш мўлжалланган.

Министрлар Советининг Раиси кўмир саноати мамлакат бутун халқ хўжалик комплексининг ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун катта аҳамиятга эга эканлигини қайд этиб, иш ташлашларни тезроқ тўхтатиш ниҳоятда зарурлигини таъкидлади. У Кузнецк ва Қарағанда ҳавзаларининг, шунингдек забастовкани тўхтатган Донбассдаги тобора кўпроқ шахталарнинг ишга киришган меҳнат коллективлари ҳамма жойда уюшқоқлик ва виждонийликни намоён этаётганлигига юксак баҳо берди.

Учрашувда СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Л. А. Воронин, СССР кўмир саноати министрининг биринчи ўринбосари А. Г. Коркин ва СССР халқ депутатлари А. С. Вуйчицкий, Г. М Курочка, В. П. Лушников, В. Н. Максимов иштирок этдилар.

(ТАСС).

## • СССР—умумий уйимиз



● ҒАЛАБА районидаги «Коммунизм» совхозида турли миллат вакиллари меҳнат қилишади. Айни ғўза парвариши қизғин дамларда улар уюшқоқлик, фидойилик кўрсатиб ишламоқдалар ва мўл ҳосил етиштирилишига замин ҳозирлаяптилар. Суратда: совхознинг 4-бригадаси бошлиғи Қаршибой Рўзиматов ишчилар Мақсуда Абдукаримова, Насиба Боқиева, Майсара Имомназарова ўртоқлар билан.

М. НАЗАРОВ суратга олган.

# ҚАЙТИШ

Иззат Башатовнинг ўз иш жойи — Оҳангарон районидаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхоз-саноат комплексида пайдо бўлиши ҳамкасблари томонидан ҳам, бошқа ишчи-хизматчилар томонидан ҳам чинакамига мамнунлик билан кутиб олинди. Ахир у яна қадрдон коллективига, дўстлари қучоғига қайтиб келганди.

Комплексда у ҳайдовчилик қилар, ўзи Ўрта Чирчиқ районидаги 1-Май қишлоғида яшарди. Фарғонадаги воқеалар акс-садоси бу ерга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Иззат миллатдоши Гулали Назиров билан маслаҳатлашиб Ставрополь ўлкаси Советское районига кўчиб кетди.

— Турли миш-мишларга берилиб, иссиқ ўрнимизни совутганимиздан хижолатдаман, — ҳикоя қилади Иззат Башатов. — 90 ёшли отамнинг бу ёз ёмғиридек нарса эканлиги, ўзбек халқи ўз турк дўстларини хафа қилиб қўймаслиги ҳақидаги ўгитларига ҳам қулоқ солмадим. Хуллас, «узоқнинг буғдойи» кўзимга яхши кўриниб ўша ўлкага кўчиб бордим.

Ҳамма жойда ҳам бизга ўхшаган одамлар яшаши ҳақидаги оддий ҳақиқатни яна бир марта тўла ҳис қилишга тўғри келди. Советское районида бизнинг кўчиб келганимизни ҳеч ким қораламаган бўлса ҳам, бу ер аҳолиси учун қўшимча қийинчиликлар туғдирганлигимизни сезиб турардик. Районда уй-жойга жуда кўп одам навбат кутиб турибди. Шахсий уй қуриш имкониятлари ҳам жуда чекланган. Кейин янги кишилар билан тез тил топишиш ҳам осон эмас. Хуллас, узоқ ўйлаб яна бизга она-юрт бўлиб қолган Ўрта Чирчиқ районига қайтишга қарор қилдим.

Совхоз — саноат комплексининг директори Абдумалик Қўшмуҳамедов Иззат Башатовни аввалги ишига тиклади. Ҳозир у озуқа ташийдиган машинасини ремонт қилмоқда.

И. НЕЪМАТИЛЛАЕВ.

# ҚОЗОНДА БЎЛСА ЧЎМИЧГА ЧИҚАДИ

## Шаҳар аҳолисини сабзавот ва мева билан таъминлаш қандай аҳволда?

Ҳозир ўлкамизда ғарқ пишиқчилик. Атласдан ҳусн олган тарам-тарам олмалар, қирмизи шафтоли, олтиндек товланган ўрик, чиллаки узум, ширин-шакар ноклар, қовун-тарвуз, помидор, бодринг... Бозорга бир тушинг-а, худди жаннатнинг ўзгинаси. Мева-сабзавотлар шунча кўп ва сархил, кўриб кўзингиз қувнайди, лекин нархи чақиб олгудек. Ёз чилласида олма, шафтоли 3—4 сўм, ўрик 2—3 сўм, сабзи, бодринг 1—1,5 сўм. Ҳа, ҳозир бозорга тушсангиз бир чўнтак пул керак. Оддий хизматчи тўрт меҳмонга дастурхон тузайман деса бир ойлик маоши етмайдиган бўлиб қолди. Наҳотки саҳий далаларимиздан, боғ-роғларимиздан барака кўтарилди. Қимматчиликка қараб кетаяпмиз. Лекин бу ҳақда оғиз очсангиз мева-сабзавотларни совуқ уриб кетди, шунинг учун магазинларда камчил деган баҳона тайёр.

Хўш, нега энди унда бозорлар мева-сабзавотга тўла? Колхоз ва совхоз ерларига нисбатан дарёдан томчидек шахсий томорқаларда мева ҳам, сабзавот ҳам етилиб турган бўлса-ю, чексиз ерларга эга бўлган хўжаликларда эса совуқ урдига чиқади, ҳосил кам бўлади? Давлат бу хўжаликларни трактор, комбайн, турли техника, минерал ўғитлар билан таъминлайди. Шу боғ-роғлар, сабзавот далалари учун ўнлаб корхоналар машина-механизмлар, турли техника воситаларини тайёрлайди. Хўжаликларда қанча-дан-қанча олий ва ўрта маълумотли мутахассислар ишлашади...

Биз, ҳозирги ҳақиқий аҳволни билиш мақсадида мева ва сабзавот етиштирадиган йирик хўжаликларга йўл олдик. Ғалаба районидаги «Огонёк» совхоз-заводида бўлдик.

— Ҳосилнинг жуда катта қисмини совуқ уриб кетди,— дейди бош агроном А. Б. Урмеева.— Шундан кейин бор билимимиз, тажрибамизни ишга солдик. Қўшимча суратда ўғитлар солиниб, ишлов берилди. Мутахассислар, боғбонларимизнинг кеча-кундуз, ишнинг кўзини билиб ҳаракат қилишлари туфайли икки ҳафтадан сўнг қўшимча ҳосил куртаклари пайдо бўлиб нишона кўрсата бошлади.

«Огонёк» совхоз — заводи ҳақиқатан областимиздаги йирик ва донғи чиққан хўжаликлардан бири. Совхоз боғларини айландик. Хўжаликда ҳозир фақат олхўри пишган экан. Бошқа мева йўқ. Аввалроқ областимиздаги яна бир катта боғдорчилик-узумчилик хўжаликларидан бири Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхозидан ҳам хабар олган эдик. У ерда ҳам аҳвол шу. Ўрни келганда шуни айтиш керакки, областимиздаги боғдорчилик хўжаликлари раҳбарлари ҳамон аҳоли манфаати эмас, тор хўжалик манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашмоқдалар. Эрта пишадиган мевалар кам экилаяпти. «Огонёк» совхози боғларини кўздан кечирганимизда шу тобда пишган бирон туп олма, шафтоли ва бошқа меваларни кўрмадик. Нарироқ бориб мева-чева кўпайганда бирдан йиғилади-ю, план бажарилади.

— Очиғини айтганда шаҳар аҳолисини мева-чева билан таъминлаш қониқарли эмас,— дейди «Ташплодоовошпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг агрономи Мусабек Мирзаев,— кўп йиллар бу муҳим масалага эътибор берилмади. Кейинги вақтларда эса бу борада бирмунча ишлар қилинмоқда. Шаҳар аҳолиси дастурхонини мева билан мўл-кўл таъминлаш мақсадида Бўка, Пискент, Ўрта Чирчиқ, Оққўрғон районларида мевачиликка ихтисослашган 4 та хўжалик ташкил этиляпти. Пахтакор районларда боғдорчилик билан шуғулланадиган яна қатор колхоз ва совхозлар йилма-йил ташкил қилиб борилади. Албатта, бу бизни қувонтиради. Лекин ҳозирча аҳоли эҳтиёжи қондирилмаяпти.

### ҲАР ҚАДАМДА МУАММО

Рейдимиз давомида Оржоникидзе районидаги Оржоникидзе номли совхозда ҳам бўлдик. Маъмуржон Эргашев бошлиқ бригадада 5 гектар ерга помидор, 2 гектар ерга картошка, бир гектардан болгар қалампири ва бақлажон, 2 гектар ош лавлаги, 3 гектар ерга пиёз экилган. Биз бу рақамларни бекорга келтираётганимиз йўқ. Областимиз далачилигида ҳосилдорлик кескин ошмаяпти. Шунинг учун ҳам аҳолини мева-сабзавот билан тўла-тўкис таъминлаш муаммолигича қолмоқда. Чунки деҳқончилик маданияти паст, агротехника илмига яхши амал қилинмаяпти. Мазкур вазиятни изоҳлаб беришни ҳамроҳимиз, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Самиғжон Маҳкамовдан илтимос қилдик.

Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси ҳамда «Тошкент ҳақиқати»нинг қўшма рейди

— Агар биз шу тартибда иш тутаверсак ҳосилдорликни ошира олмаймиз,— дейди у.— Майда карталар ҳосил қилиб оиладош экинларни бир ерга қайта-қайта экаверсак турли ҳашаротлар кўпаяди, ер структураси бузилади. Келаси йил худди шу экинлар бироз ўзгарган ҳолда яна экилади. Уларнинг касали ерда ҳар йили қолаверади.

— Биз оилавий ижара асосида ишлаяпмиз,— дейди бригада бошлиғи М. Эргашев.— Шунинг учун карталаримизни майдалаштиришга мажбурмиз.

Олимнинг фикрича катта карталар ижара усулига халақит бермайди. Гектарларга бир хил экин экиш ва уларни оилаларга бўлиб бериш мумкин. Кўп жойларда бундай қилинмай ижара пудрати деб экинлар майда карталарга режалаштирилаяпти. Бу биринчидан, механизациядан фойдаланиш даражасини пасайтириб, кўп ишларни қўлда бажаришга мажбур қилади. Маҳсулот таннархи қимматлашади. Иккинчидан, майда карталар ҳосил қилиниши сувнинг кўп сарфланишига олиб келаяпти. Учинчидан, алмашлаб экишга ўтишни қийинлаштирмоқда. Умуман олганда янгича шу жумладан, ижара пудрати усулини қўллаш яхши. Лекин эртанги кунни ҳам ўйлаш керак. Агар биз юқоридагидек оиладош экинларни қайта-қайта экаверсак, дастлабки йилларда юқори ҳосил олинса-да, кейинроқ бутун далалар касалликка чалиниб, ҳашаротлар кўпайиб кетиши турган гап. Унинг оқибати ёмонроқ бўлади. Шунинг учун бу масалаларни ҳам ўйлаб қўйиш керак. Умуман бу ҳол фақатгина Оржоникидзе номли совхоздагина эмас, областимизнинг кўпгина хўжаликларида рўй бермоқда.

Рейдимизнинг мақсади шаҳар аҳолисини мўл-кўл ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш мавзуи бўлгани учун уни чуқурроқ ўрганиш, ҳосилдорликни ошириш, айрим ташкилий масалалар қандай ҳал қилинаётганлигига ҳам эътибор берилди.

Сабзавот-мева магазинларини кўздан кечирсангиз айрим сабзавотлар ҳаддан ташқари кўп, айримлари мутлақо йўқ. Чунки кўпгина хўжаликлар бир амаллаб планни бажаришга ўтиб олишган. Масалан, областимиздаги қатор колхоз ва совхозлар эртаги карам ҳисобига планнинг 60—80 фоизини бажарадилар. Сабзавотнинг айрим турлари номигагина экилади.

Тўғри, бу йил бир қатор экинларни совуқ урди, ҳосил камайди. Кўп жойларда картошкадан планга нисбатан ярим ҳосил олинди. Яна бир қатор экин турлари бўйича ҳам аҳвол шундай. Бизнингча, бундай шароитда шаҳар аҳолисини сабзавот билан таъминлашни яхшилаш чораларини зудлик билан кўриш зарур эди. Чунки хирмон кам-да. Лекин районда бундай тадбиркорликни сезмадик. Мутахассисларнинг фикрича хатоси кўп бўлган далаларга қўшимча кўчатлар ўтказиш, оралиқ экинлар экиш мақсадга мувофиқ эди.

Энди иккинчи масала. Совуқ туфайли сабзавотлар кечроқ етилди. Демак, пишган ҳосилни пешма-пеш йиғиб олиб, тезлик билан такрорий экинларни экиш ва ҳосилни кўпайтириш лозим. Биз Оржоникидзе районидаги Оржоникидзе номли совхознинг Тожихон Оймуродова раҳбарлик қилаётган бригадада картошка йиғиб олинаётган жойда бўлдик. Картошка икки-уч ҳафта бурун етилган. Ҳатто бир қисми тўрлаб кетибди. Ҳосили эса энди олиняпти. Бу йилги шароитга кўра кечки экинларни аксарият 20 июлгача экиб бўлиш керак эди. Қачон бу карта ҳосилдан бўшайди-ю, қачон экин экилади.

— Шундай тартибсизликлар туфайли хўжалик ва савдо ташкилотлари ўртасида тузилган шартномалар бажарилмаяпти,— дейди область агросаноат комитети давлат инспекциясининг бош мутахассиси Б. Ғозихонов.— Натижада магазин пештахталари ночор бўлиб қолмоқда.

### ПЕШТАХТАЛАР БЎШ

Куйбишев район улгуржи-чакана савдо ташкилотига қарашли 7-магазин пештахталарида олхўри, болгар қалампири, сабзи, тарвуз бор. Ёзнинг ярми ўтиб бораяпти. Сабзи ҳамон банди билан сотилмоқда. Тарозини асосан банди босса керак. Хўжаликларда бўлганимизда деҳқонлар помидорни топширолмай сарсонликларини, ҳосил нобуд бўлаётганлигини ташвиш билан айтишди. Магазинда эса помидор йўқ. «Ташплодоовошторг» бирлашмаси раҳбарлари далада ги ҳосилни магазинларга етказиб бериш ҳақида жиддийроқ бош қотиришлари зарур.

«Тошкент» агрофирмасига қарашли 31-магазин. Пештахтада помидор, саримсоқ пиёз, тарвуз, картошка, пиёз, болгар қалампири, лавлаги, бодринг қўйилган. Бир қарашда сабзавот хиллари анчагина. Лекин уларнинг аксариятининг сифати ёмон. Акмал Икромов район улгуржи-чакана савдо ташкилотига қарашли 5-магазинда ҳам шундай ҳолнинг гувоҳи бўлдик. Чилонзор район улгуржи-чакана савдо ташкилотининг 14-магазинида бўлса сабзавот хили жуда кам, борлари ҳам сифатсиз.

«Ташплодоовошторг» бирлашмасига қарашли кўпгина магазинларда аҳвол шундай. Бирон жойда кўкатлар сотилаётганини кўрмадик. Магазинларда мева-сабзавотларни сақлаш учун шарт-шароитлар яратилмаган. Иссиқ, дим. Маҳсулот олиб келинган кун сотилса сотилиб қолди, бўлмаса айниб қолади. Шу сабабга кўра боғбон, деҳқон не машаққатлар билан етказган қанча-қанча ёз неъматлари нес-нобуд бўлиб кетмоқда. Тўғри, рейдимиз давомида Олой бозоридаги ижара савдо корхонаси, «Тошкент» агрофирмасига қарашли 27-магазинда мева-сабзавотлар бирмунча яхши сақланаётганини, пештахталарда ёз неъматларининг хилма-хиллигини кўрдик. Лекин бундай магазинлар жуда кам.

### НОМИ ЎЗГАРГАН БИЛАН МАҲСУЛОТ КЎПАЯРМИКАН!

Биз рейдимизни бошлаётганимизда «Ташплодоовошторг» бирлашмаси область агросаноат комитетига қарашли ташкилот эди. Рейдимиз тугагунча у янги ташкил этилган шаҳар агросаноат корхонасига қарашли ташкилот бўлиб қолди. Тўғри, қайта қуриш кўп изланишни, янгича прогрессив усулларни тезкорлик билан қўллашни, билимдонлик билан иш юритишни, замон талабларига ҳушёр қарашни талаб этмоқда. Лекин ташкилотларни қайта-қайта ташкил этавериш ишимизга ҳалал бермаётганмикан? Шаҳар аҳолисини сабзавот-мева билан таъминлаш йўлида амалий иш ўрнига қоғозда тадбирлар тузиш билан вақт ўтказилмаётганмикан? Биз шу каби саволларни «Ташплодоовошторг» бирлашмаси бош директорининг ўринбосари Николай Васильевич Поповга бердик.

— Ҳақиқатан қайта ташкил этавериш, у идора измидан бу идора измига ўтказавериш ҳаммани қийнаб юбораяпти. Иш юришмаяпти,— деб давом этди у.— Илгари «Ташпловоовошторг» савдо министрлигига қарашли эди. Агросаноат комитетига ўтказилгандан сўнг иш усуллари бутунлай ўзгарди. Лекин самара сезилмаяпти. Агросаноатчилар асосий эътиборни етиштирилган ҳосилни четга жўнатиш ва узоққа етказиб бориб бўлмайдиган маҳсулотларни шаҳар аҳолисига қолдиришга ўтиб олишганди. Кўрсаткичлар шу билан яхшиланар эмиш. 1988 йил Бутуниттифоқ фондига маҳсулот жўнатиш 160 процентга бажарилди. Лекин Тошкент шаҳри аҳолиси улардан ортган маҳсулот билан «таъминланди». Кейинги тўрт йилнинг ўзида шаҳар аҳолисига олманинг ўзидан 70 минг тонна кам берилди. Илгари хўжаликлар маҳсулотни бизга асосан давлат нархида беришган бўлса, кейинроқ келишилган, яъни оширилган нархда сотамиз, деб туриб олишаяпти. Хуллас, янгича усул аҳолига қиммат маҳсулотларнинг кўпайишига олиб келди дейиш мумкин. Мана энди бизни шаҳар агросаноат корхонаси тасарруфига ўтказиб юборишди.

«Қибрай» агросаноат комбинати бош директори Қаҳрамон Алимбеков ҳузурида бўлганимизда у ҳам шу йўсинда гап бошлади:

— Ташкилий ишлар, текширувлар, маълумот олувчилар кўп. Лекин ишлаб чиқаришда ўзгариш кам. Комбинатимиз ташкил этилаётганда катта истиқболлар ҳақида жуда болохонали гаплар айтилганди. Агросаноат комбинатига айрим улгуржи-чакана савдо ташкилотлари, Янги Тошкент консерва заводи, пиво-алкоголсиз ичимликлар комбинати ва бошқа алоқадор корхона, ташкилотлар ўтиши керак эди. Йўқ, иш тескарисига айланиб кетди. Аввал бўрдоқичилик базаси «Узпишепром»га ўтказиб юборилди. Бу усул давом этаверди. Куни кеча 4 та хўжалик Тошкент шаҳар ижроия комитети ихтиёрига берилди. Хуллас, комбинатда 7 та хўжалик қолди холос. Тузилди-ю, бузилди, дейиш мумкин. Истиқбол ҳисобга олиниб, бошқарув аппарати салкам 40 кишидан иборат қилиб ташкил этилганди. Менимча, комбинат иши чеклангани учун шунча штатга ҳожат қолмади. Бу ишларни 10—11 нафар киши эплай олади. Ҳозир эса 40 га яқин киши маош олиб турибди.

Хулосага келсак, қишлоқ хўжалик маданияти ҳамон паст бўлиб қолмоқда. Ерлардан унумли фойдаланилмаяпти, оилавий пудрат, турли ижара усулларининг эртасини яхши ўйламаяпмиз. Лозим томонга бошқаролмаяпмиз. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш, ер структурасини яхшилаш, биологик методни қўллаш орқали зарарли ҳашаротларни йўқ қилиш каби муҳим масалалар ҳал этилмаяпти. Ҳосилдорликни ошириш, эл дастурхонини мўл-кўл сабзавот билан таъминлашда бу масалалар муҳим аҳамият касб этади. Уларни ҳал этишга етарли эътибор берилмаётганлиги учун ҳам бозорларда сабзавот-меваларнинг нархи қимматлашиб бормоқда, серобчилик сезилмаяпти, магазин пештахталари бўшаб қолмоқда.

**Н. НАЖМИДДИНОВ,**
Ўзбекистон телевидениесининг редактори.

**Ш. СИДДИҚХЎЖАЕВ,**
Ўзбекистон радиосининг редактори.

**Б. ПЎЛАТОВ,**
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

# ЯРИМ ЙИЛЛИК ЯКУНЛАРИ

Биринчи ярим йилликда экономикани структура жиҳатидан қайта қуриш ҳамда уни социал эҳтиёжларга қаратиш жараёни давом этди, дейилади СССР Давлат статистика комитетининг 1989 йилнинг биринчи ярмида СССРнинг социал-иқтисодий ривожланиши тўғрисидаги ахборотида. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш кўпайди, чакана товар обороти ва аҳолига пулли хизмат ҳажми ошди. Мамлакат мудофаасига харажатларни қисқартириш асосида мудофаа тармоқларининг граждан маҳсулотлари ишлаб чиқаришга қўшадиган ҳиссасини кенгайтириш мақсадида уларнинг соҳасини ўзгартиришга тайёргарлик амалга оширилмоқда.

Хўжалик юритишнинг янги шакллари тобора кенгаймоқда. 2,7 мингдан ортиқ саноат корхонаси, бошқа тармоқларнинг кўпгина корхоналари ва ташкилотлари даромадларни нормативлар асосида тақсимлашга асосланган (иккинчи модель) хўжалик ҳисоби моделини қўлламоқда. Ижара пудрати асосида ишлаётган корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар сони кўпайди. Биринчи ярим йилликнинг охирига келиб 903 та саноат корхонаси, 449 та қурилиш ташкилоти, 434 та чакана савдо корхонаси, 139 та умумий овқатланиш корхонаси, 98 та аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва бир қанча бошқа корхоналар ана шундай шароитда ишлай бошлади.

Шу билан бирга фан-техника тараққиёти етарли суръатлар билан ривожланмаяпти, бу эса ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигига, уни интенсивлаштиришни кучайтиришга салбий таъсир қилмоқда.

Мамлакатнинг молиявий аҳволи ва пул муомаласи кескинлигича қолмоқда. Саноат корхоналарининг анчагина қисми маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятларини бажармади. Кўпгина қувватларни ишга тушириш топшириқлари бажарилмаяпти, уй-жойларни ва бошқа социал-маданий соҳа объектларини фойдаланишга топшириш секинлашди, тугалланмаган қурилиш кўпаймоқда. Иш ҳақи меҳнат унумдорлиги ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришдан тезроқ кўпаймоқда. Аҳоли даромадлари ва харажатларининг номутаносиблиги муаммоси кескинлашмоқда. Истеъмол бозорида тақчиллик камаймаяпти, кўпгина регионларда ўткир экология вазияти сақланиб турибди.

Биринчи ярим йилликда ўтган йили эришилган иқтисодий ўсишнинг юксак суръатларини сақлаб қолишга муваффақ бўлинмади. Саноат ишлаб чиқариши суръатларининг, юк ташиш ҳажмининг ва ташқи савдодан тушумнинг камайиши ҳосил қилинган миллий даромаднинг ўсиш суръатлари кескин пасайишига олиб келди. Шу даврда ҳосил қилинган миллий даромад ўтган йилнинг январь-июнь ойларидаги 13 миллиард ўрнига қиёсий нархларда 8 миллиард сўм кўпайди.

462 миллиард сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди, бу эса ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 12 миллиард сўмлик кўпдир. Зарар келтирувчи корхоналар ва ташкилотлар сони суст камаймоқда. Тўлов интизоми бўш, корхоналар ва ташкилотларнинг анчагина қисми ўз оборот маблағлари етишмаган ҳолда ишламоқда.

Биринчи ярим йилликда оборот солиғидан бюджетга планга нисбатан 2,5 миллиард сўм ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6 миллиард сўм кўп пул тушди. Халқ хўжалигининг барча асосий тармоқлари, министрликлар ва идоралар жамғарма юзасидан қабул қилинган планларни бажармоқдалар, бироқ бюджетга фойда (даромад)дан планда кўзда тутилганига нисбатан 0,7 миллиард сўм кам тўлов тушди.

Банк кредит ресурсларини бюджет камомадига тобора кўпроқ жалб этиш ҳамда қарзларни тўлаш муддатларини кечиктириш экономикада пулнинг қадрсизланиши жараёнларини кучайтирмоқда, халқ хўжалиги ва аҳолига кредит бериш имкониятларини камайтирмоқда. Муомалага янги пул чиқариш кўпаймоқда. Биринчи ярим йилликда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан муомалага учдан бир баравар кўп пул чиқарилди.

1989 йил 1 июлда мамлакат аҳолисининг сони 287,8 миллион кишига етди.

Ярим йил ичида мамлакатнинг меҳнат ресурслари ўртача 160 миллион кишидан ошди ва аҳоли сонининг 57 процентини ташкил қилди. Меҳнат ресурсларининг 73,5 проценти экономиканинг давлат секторида, 7 проценти колхозларнинг жамоат хўжалигида, 1,1 проценти (ўриндошлик асосида ишловчиларни ҳисобга олмаганда) ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида ташкил этилган кооперативларда ва якка тартибдаги меҳнат соҳасида ишламоқда.

Рўзғор ишлари билан банд бўлган, меҳнатнинг мавсумий тусдалиги ва бошқа сабаблар туфайли ишламаётган одамлардан муайян шарт-шароит яратилган тақдирда деярли 6 миллион нафарини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш мумкин бўлур эди. Ана шу одамларнинг тахминан ярми Ўрта Осиё, Закавказье республикалари, Шимолий Кавказ ва Қозоғистон ССРга тўғри келади. Ана шу регионларда аҳолини ишга жойлаштириш билан шуғулланадиган 812 та марказ (бюро) ташкил этилди. Уларнинг ёрдамида биринчи кварталда камида 200 минг киши (мурожаат қилган кишиларнинг 80 проценти) ишга жойлаштирилди. Ишга жойлашиш қийинлиги туфайли бекор юрган ёшлар сони кўпаймоқда.

Биринчи ярим йилликда оммавий равишда ишга чиқмаслик (иш ташлашлар) натижасида йўқотилган иш вақти 2 миллион киши-кунидан кўпроқ бўлди. Бунинг маъноси шуки, умуман мамлакатда ҳар куни 15 минг киши ишламади. Маҳсулот кам етказиб берилди, маҳсулот етказиб беришдаги узилиш билан боғлиқ ҳолда шерикларнинг ишидаги нобудгарчиликни ҳисобга олмаганда тахминан 200 миллион сўмлик иш ҳажми бажарилмай қолди.

Халқ хўжалигида ишчилар ва хизматчиларнинг ойлик ўртача иш ҳақи ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан кўпайиб, 215 сўмдан 236 сўмга етди, колхозчилар меҳнатига ҳақ тўлаш 153 сўмдан 166 сўмга етди. Иш ҳақининг кўпайиши ишлаб чиқариш пировард натижаларини тегишли равишда ўстириш, унинг самарадорлигини ошириш билан таъминланмади; қўшиб ёзишлар, кўпайтириб кўрсатишлар бартараф этилмади. Иш ҳақининг кўпайиши маълум даражада корхоналарнинг меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шароитига ўтиши, ана шу мақсад учун олдиндан тўплаб қўйилган маблағларни тўлаш билан боғлиқ.

1 июлгача ишлаб чиқариш тармоқларидаги 60 миллионга яқин ходим янги оширилган тариф ставкалари ва мансаб окладларига ўтказилди. Савдо, умумий овқатланиш ва моддий-техника таъминоти корхоналари ва ташкилотларида меҳнат коллективлари ишлаб топган маблағ ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шартларига ўтказиш бошланди.

Аҳоли ижтимоий истеъмол фондларидан салкам 86 миллиард сўмлик тўлов ва имтиёзлар олди. Бу эса ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан 4,8 миллиард сўм кўпдир.

Аҳоли пул даромадлари ўсиши суръатлари аҳолининг товарлар харид қилишга ва хизмат ҳақини тўлашга харажатларининг ўсиш суръатидан 1,4 баравар ўзиб кетди.

Аҳолининг СССР жамғарма банки муассасаларига қўйган пуллари биринчи ярим йилликда 17,7 миллиард сўм кўпайди ва 314,4 миллиард сўмга етди. Бундан ташқари 1 июлга қадар 1,7 миллиард сўмлик сертификатлар сотилди.

Аҳоли турли ижтимоий гуруҳлари жон бошига тўғри келадиган даромадлари даражасидаги жиддий тафовут сақланиб қолмоқда. Бу тафовутлар иш ҳақидаги тафовутлар (колхозчиларнинг меҳнат ҳақи ишчилар ва хизматчиларнинг иш ҳақидан 30 процент кам эди), шунингдек, оила составидаги тафовут билан (колхозчилар оилалари қарамоғидаги кишилар сони ишчилар ва хизматчиларникига нисбатан кўпроқ) боғлиқдир.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш чакана нархларда 206 миллиард сўмликни ташкил этди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15 миллиард сўмлик кўпдир. 9,6 миллиард сўмлик кўпроқ озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат моллари ишлаб чиқарилди, уларнинг ҳажми 181 миллиард сўмликни ташкил этди.

Озиқ-овқат саноатининг кўпгина корхоналарида биринчи ярим йиллик учун қабул қилинган маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш планлари ҳамда уларни ишлаб чиқариш 1988 йилда амалда эришилган даражадан кам бўлди. Шу сабабли планлар бажарилса ҳам ана шу маҳсулотларга эҳтиёж таъминланмаяпти.

113 миллиард сўмлик ноозиқ-овқат халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди, бу эса ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 7,7 миллиард сўмлик кўпдир. Корхоналар биринчи ярим йиллик учун қабул қилган планлар 104 процент бажарилди. Шу билан бирга ана шу топшириқлар мазкур даврга тўғри келадиган иш вақтининг йиллик фондидан келиб чиқадиган топшириққа нисбатан камдир. Ҳар 10 корхонадан бири кўзда тутилган топшириқни бажара олмади.

48,9 миллиард сўмлик енгил саноат моллари ишлаб чиқарилди, бу эса 1988 йилнинг биринчи ярмига нисбатан 5,5 процент кўпдир. Енгил саноат моллари ишлаб чиқаришнинг ўсиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,6 миллиард сўмни ташкил этди. Бу ўсиш асосан чакана нархларга қўшимча билан сотиладиган буюмларни ишлаб чиқариш ҳисобига таъминланди.

Давлат ва кооператив савдоси чакана товар оборотининг умумий ҳажми 1989 йилнинг биринчи ярмида 192,2 миллиард сўмни ёки планга нисбатан 101,9 процентни ташкил этди. Барча иттифоқдош республикалар товар обороти планини бажарди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан товар обороти 16,5 миллиард сўм кўпайди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат моллари сотиш 7,1 процент кўпайди. Биринчи ярим йилда савдога ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 процент кўп озиқ-овқат маҳсулотлари (картошка ҳамда мева-сабзавотдан ташқари) жўнатилган бўлса ҳам уларнинг ҳажми озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлаш учун етарли эмас. Кўпгина районларда гўшт талонлар орқали сотилмоқда, тақсимлашнинг бошқа формалари қўлланилмоқда, аҳолини балиқ ва балиқ маҳсулотлари, пишлоқ, чой билан таъминлашда узилишлар бўлмоқда, кондитер маҳсулотлари билан таъминлаш бир мунча яхшиланди. Айрим регионларда нон ва нон-булка маҳсулотлари билан таъминлашда жиддий камчиликлар мавжуд. Аҳоли картошка ва мева-сабзавот маҳсулотлари билан тўла таъминланмаяпти.

Давлат (дотацияли) нархлари билан сотиб олинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари уларга тобора ортиб бораётган эҳтиёжни қопламаяпти. Шу сабабли аҳоли кооператив савдоси ва колхоз бозори хизматига тобора кўпроқ мурожаат қилмоқда. Бунинг оқибатида озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилишнинг ўртача нархлари кўтарилмоқда, бу нархлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан умуман 3 процент ошди. Биринчи ярим йилликда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан колхоз бозорида нархлар 4 процент кўтарилди.

Аҳолини тикувчилик, трикотаж маҳсулотлари, пайпоқлар, пойабзал билан таъминлашда савдога бундай маҳсулотларнинг чиқарилиши 5 процент кўпайтирилганлигига қарамай аҳвол қониқарсизлигича қолмоқда. Телевизорлар, радиоприёмник қурилмалари, холодильниклар ва музлатгичлар, электр чанг ютгичлар, кир ювиш ва тикув машиналари, мотоцикллар, велосипедлар, мебель, идиш-товоқнинг жуда кўп турлари, гулқоғозлар, парфюмерия-косметика моллари ва бошқа товарлар саноатда тақчил бўлиб турибди.

Совун ва кир ювиш воситалари ишлаб чиқариш кўпайтирилмоқда ва чет элдан қўшимча равишда сотиб олинмоқда, бу эса бундай маҳсулотларни савдога етказиб бериш ҳажмини кўпайтиришга имкон берди. Бироқ бундай маҳсулотларни ғамлаб қўйиш учун харид қилиш давом этаётганлиги муносабати билан уларга эҳтиёж камаймаяпти. Аҳволни нормал изга солиш мақсадида бир қанча регионларда бундай маҳсулотлар билан аҳолини таъминлаш учун талон системаси жорий этилди. Аҳолини дори-дармонларнинг кўп турлари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлашдаги аҳвол кескин бўлиб турибди.

Аҳолига 32 миллиард сўмлик пулли хизмат кўрсатилди, бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3 миллиард сўм кўпдир. Аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи ихтисослаштирилган корхоналар ва ташкилотлар 6,2 миллиард сўмлик ёки 1988 йилнинг шу даврига нисбатан 10,1 процент кўп хизмат кўрсатди.

Давлат капитал маблағлари ҳисобига умумий саҳни 33,8 миллион квадрат метрли 547 мингта янги квартира қурилиб фойдаланишга топширилди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан камдир. Давлат ва жамоат фонди ҳамда уй-жой қурилиш кооперативлари фонди уйларида шаҳарлардаги 1 миллионга яқин оила ва ёлғиз кишилар уй-жой шароитларини яхшилаб олди, салкам ярим миллион киши эски ва авария ҳолидаги уйлардан қулай уйларга кўчирилди.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, мактабгача муассасалар, касалхоналар, поликлиникалар, кексалар ва инвалидлар учун интернат-уйлар, клублар ва маданият уйларини фойдаланишга топшириш камайди.

Умумтаълим мактабларида 2,5 миллион ўқувчи ўрта маълумот олди. Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари халқ хўжалиги учун 2 миллион мутахассис тайёрлаб берди.

Мамлакатда йил бошидан буён 1102 минг жиноят рўйхатга олинди, бу эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 32 процент кўпдир; буларнинг ҳар 6 тасидан бири — оғир жиноятдир. Ҳар 100 минг аҳоли ҳисобига рўйхатга олинган жиноятлар сони барча иттифоқдош республикаларда кўпайди. Ғаразли жиноятларнинг, шунингдек шахсга қарши атайлаб қилинган жиноятларнинг янада ўсиши кўзга ташланмоқда. Сўнгги йилларда жиноий жазога тортиладиган безориликнинг рўйхатга олиниши камайгани ҳолда шу йилнинг биринчи ярмида бундай жиноят 16 процент кўпайди.

Фарғона водийсидаги, Гурьев областидаги, Тоғли Қорабоғ автоном областидаги воқеалар давомида ҳуқуқ-тартиботни оммавий равишда бузиш ҳоллари бўлди.

Ҳавога зарарли моддаларни чиқариб ташлаш умуман барча корхоналарда ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан 1,8 миллион тонна ёки 6 процент камайди. Шу билан бир вақтда 9 минг корхона зарарли моддаларни ҳавога чиқариб юборишни 1,2 миллион тонна кўпайтирди. 58 та шаҳарда ҳавода зарарли моддаларнинг жуда кўп тўпланиш ҳоллари қайд этилди. Баъзи шаҳарларда авариялар натижасида ҳавони ўта заҳарли моддалар билан бирваракайига булғатиш ҳоллари юз берди. Мамлакатнинг кўпгина районларида сув ҳавзаларини анча булғатиш ҳоллари бўлди.

Давлат рўйхатларида физика, химия, биология, медицина соҳасида 6 та илмий кашфиёт, 42 мингта ихтиро қайд этилди.

Январь-июнь ойларида ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта жиҳозлаш ва реконструкциялашга давлат капитал маблағларидан 19,4 миллиард сўм ёки 1988 йилнинг шу даврига нисбатан 11 процент кўп пул сарфланди. Ана шу мақсадларга корхоналар ва ташкилотлар сарфлаган маблағлар давлат капитал маблағлари умумий ҳажмининг 77 процентини ташкил этди.

Биринчи ярим йилликда техника ва материалларнинг принципиал янги турларини 1989 йилда етказиб беришга давлат буюртмаси 16 процент бажарилди. 158 номдаги янги маҳсулотни, шу жумладан, машинасозлик комплекси корхоналари 99 номдаги янги маҳсулотни етказиб беришни бошламади.

Ёқилғи-энергетика ресурслари ҳамда материалларнинг энг муҳим турларини тежаш 1989 йил учун кўзда тутилганининг ярмидан кўпроғини ташкил этди.

Саноатда давлат буюртмасига мувофиқ ва истеъмолчилар билан бевосита алоқаларга кўра маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномавий мажбуриятлар 99,3 процент бажарилди. Истеъмолчиларга 2,8 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб берилмади.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1988 йилнинг биринчи ярим йилидагига нисбатан 2,7 процент кўпайди, жумладан ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш («А» группаси маҳсулоти) 1,8 процент, истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш («Б» группаси маҳсулоти) 5,3 процент ортди. Меҳнат унумдорлиги 4,1 процент ошди. Саноат маҳсулотининг бутун ўсишига ходимлар сонини камайтириб, меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига эришилди. Саноат маҳсулотининг таннархи арзонлашди. Фойда 6 процент кўпайди, пландан ташқари кўрилган фойда 6,2 миллиард сўм бўлди.

Маҳсулотнинг давлат қабули шароитида ишлаётган саноатдаги корхоналар ва бирлашмаларда биринчи ярим йилликда 7,7 миллиард сўмлик, яъни 8 процент маҳсулот биринчи тақдимда қабул қилинмади; 49 миллион сўмлик маҳсулот узил-кесил бракка чиқарилди.

Текшириш натижаларига кўра, сўнгги бир ярим йил ичида фойдаланишга топширилган ҳар уч янги объектнинг иккитасида қувватларни ўзлаштиришнинг белгиланган муддатларига риоя қилинмади. Халқ хўжалигида янги қувватларни ўзлаштиришдаги қолоқлик оқибатида биринчи ярим йилликда қарийб 0,7 миллиард сўмлик маҳсулот олинмади.

Ёқилғи-энергетика комплексининг корхоналари газ ва кўмир қазиш топшириқларини бажардилар. Топшириқларга қўшимча тарзда 4,7 миллиард куб метр газ, 8,1 миллион тонна кўмир, жумладан, кокслаш учун 3,4 миллион тонна кўмир қазиб чиқарилди. Газ конденсатини ҳам қўшиб ҳисоблаганда нефть қазиб олиш топшириғи бажарилмади.

Металлургия комплексининг корхоналари мисдан ташқари қора ва рангли металлургия маҳсулоти асосий турлари бўйича давлат буюртмасини бажардилар. Шу билан бир қаторда совуқ ҳолда тайёрланган навли пўлат, пармалаш учун жуда мустаҳкам қувурлар ва насос компрессор қувурлари ва бошқа бир қанча буюмлар сингари металл маҳсулотининг прогрессив турларини тайёрлашда ҳали ҳам қолоқлик бор.

Машинасозлик комплексида топшириққа мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқариш умуман саноатдагига нисбатан 1,6 баравар илдамроқ бориши таъминланди. Рақамли программа билан бошқариладиган металл қирқиш станоклари, ҳисоблаш техникаси воситалари, қуйилмаларни узлуксиз тайёрлаш учун машина ва ускуналар ишлаб чиқариш жадалроқ суръатлар билан кўпайтирилди. Енгил саноат ва агросаноат комплексининг қайта ишловчи тармоқлари учун технология ускуналари юзасидан берилган давлат буюртмаси топшириғи бажарилди. Ўзгарувчан ток электр двигатели, нефть аппаратлари, экскаваторлар бўйича план топшириқлари бажарилмади.

Химия-ўрмон комплексида қониқарсиз аҳвол вужудга келди. Синтетик аммиак, каустик ва кальцийлаштирилган сода, сульфат кислотаси, шунингдек иморатбоп ёғоч-тахта ва товар целлюлоза ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилиши таъминланмади, минерал ўғитлар, поливинилхлорид смоласи, ёғоч-тахта, картон ишлаб чиқариш ҳажмлари камайди.

Қурилиш комплекси корхоналари умуман, цемент, асбест, цемент қувурлар ва муфталар, қурилишбоп ғишт ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган топшириқларни муваффақиятли бажардилар.

Агросаноат комплексида биринчи ярим йилликда 68,3 миллиард сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилди, бу ўтган йилнинг шу давридагидан 2,9 процент кўпдир. Ярим йил мобайнида гўшт етиштиришнинг кўпайиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 211 минг тоннани, сут етиштириш 851 минг тоннани ташкил этди.

Барча категориялардаги хўжаликларда чорвачилик маҳсулотлари харид ҳажмлари амалда кўпаймади.

10 июлга қадар 2,1 миллион тонна сабзавот харид қилинди, бу топшириққа нисбатан 17,4 минг тонна ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 0,8 процент кўпдир.

Қишлоқ хўжалик корхоналари баҳорги экинлар экишни якунладилар, кузги-қишки даврда 4,7 миллион гектар майдонда нобуд бўлган кузги экинлар қайтадан экилди. 1989 йил ҳосили учун экин майдонлари 209,3 миллион гектар ерни, жумладан, дон ва дуккакли дон экинлари майдони 112,9 миллион гектарни ташкил этди.

Қишлоқ хўжалигига ярим йилда 155 минг трактор, 131 минг юк автомобили етказиб берилди, бу ўтган йилги даражадан ва колхоз ҳамда совхозларнинг буюртмаларидан анча камдир. 13,9 миллион тонна минерал ўғит (тўйимли моддалар 100 процент деб ҳисоблаганда) етказиб берилди ва ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ўғит етказиб бериш 486 минг тонна кам бўлди.

Агросаноат комплексининг равнақига (қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминланган тармоқларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда) маблағ билан таъминлашнинг барча манбаларидан 27 миллиард сўмдан кўпроқ капитал маблағ сарфланди.

Давлатнинг марказлаштирилган капитал маблағлари ҳамда корхоналар ва ташкилотларнинг фондлари маблағлари эвазига асосий фондларни фойдаланишга топшириш бор-йўғи 48,9 миллиард сўмни ташкил этди, бу эса (корхоналар ва ташкилотларнинг жами планларига нисбатан) йиллик топшириқнинг 26 процентига баробардир. Биринчи ярим йилликнинг қувватларни ишга тушириш программаси бажарилмади.

Январь — июнь ойларида давлатнинг 45 миллиард сўмлик марказлаштирилган капитал маблағларидан ёки йиллик лимитнинг 44 процентидан фойдаланилди. Корхоналар ва ташкилотлар капитал қурилишда ўз маблағларининг 39,4 миллиард сўмидан фойдаландилар. Бу йиллик лимитнинг 43 процентига баробардир. Бюджет маблағларини қисқартира бориш билан бир пайтда корхоналар ва ташкилотларнинг фондларидаги маблағлардан тўланадиган инвестиция ҳажмлари кўпайди.

1989 йилда инвестиция ресурсларини сочиб юборишга барҳам берилмади. Ишлаб чиқаришга оид қурилишнинг кўлами камаймаяпти. 1 июлга қадар давлат капитал маблағлари эвазига бунёд этилаётган чала қурилишлар ҳажми 192,6 миллиард сўмга етди. Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан бу кўрсаткич 13 процент кўпайди. Марказлаштирилган маблағлар эвазига амалга оширилаётган қурилиш ҳиссасига ана шу кўрсаткич ўсишининг ярмидан кўпроғи тўғри келади.

Қурилиш-монтаж ташкилотлари бажарган пудрат ишлари ҳажми 0,3 процент ортди, меҳнат унумдорлиги 3,7 процент кўпайди.

Юкларни жўнатиш плани темир йўл транспортида 100,7 процент, ички сув йўлларида 106,8, автомобиль транспортида 101,4, денгиз транспортида 106,5 процент бажарилди. Айни вақтда транспорт корхоналари қабул қилиб олган юкларни жўнатиш топшириғи ўтган йилнинг шу давридаги даражадан кам бўлди (олис Шимол районлари ва унга тенглаштирилган районларда денгизда юк ташишдан ташқари). Умумфойдаланишдаги транспорт пассажир обороти 2,3 процент кўпайди ва 536,5 миллиард пассажир-километрни ташкил этди. Умумфойдаланишдаги пассажир ҳаракат составининг сафарнинг сўнгги бекатига келиш жадвали ҳамон бузилиб турибди. Транспорт воситалари аварияси сабабидан талафотлар кўпайиб бормоқда.

Алоқа корхоналари аҳолига 1,9 миллиард сўмлик хизмат кўрсатдилар. Бу ўтган йилнинг январь — июнь ойларидагига нисбатан 9 процент кўпдир. План 103,8 процент бажарилди.

Биринчи ярим йилликда экспорт-импорт операциялари ҳажми 67,3 миллиард сўмга етди, экспорт қилиш ўтган йилнинг шу давридаги даражага яқин бўлди ва 33,1 миллиард сўмни ташкил этди, чет элдан маҳсулот сотиб олиш 34,2 миллиард сўмга етди ва 2,3 процент кўпайди. Шу даврда социалистик мамлакатлар ва ривожланган капиталистик мамлакатлар билан савдодаги ташқи савдо операциялари сальдоси салбий бўлди.

Бевосита алоқалар доирасида экспорт-импорт операциялари кўпайганига қарамай ушбу операциялар ҳажми мамлакат ташқи савдо оборотида 1,5 процентни ташкил этади. 1 июлга қадар СССР территориясида 680 та қўшма корхона борлиги қайд этилди.

(ТАСС).

## планетамизда

# ЧЕТ ЭЛ МАТБУОТИ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ ХАБАР БЕРАДИ

Чет эл оммавий ахборот воситалари СССР Олий Совети сессиясининг ишига, айниқса унда қабул қилинган қарорга эътиборни қаратмоқда. Қарорда Литва ССР ва Эстония ССРни иқтисодий мустақилликка ўтказиш тўғрисидаги қонун лойиҳасининг асосий қоидалари маъқулланади. Бу қарор, деб таъкидлайди Ғарбий Германиядаги ЦДФ телепрограммасининг шарҳловчиси, СССРда қайта қуриш ва ислоҳотлар жараёни олға томон изчил силжиётганлигидан далолат беради. Болтиқбўйи республикалари иқтисодий мустақиллигининг кенгайтирилиши — муҳим эксперимент бўлиб, унинг натижасига қараб, бундай моделни бошқа иттифоқдош республикаларга ўтказиш қанчалик мақсадга мувофиқлиги тўғрисида фикр юритиш мумкин бўлади, деб уқтиради ЦДФ телепрограммаси.

АҚШ божхона хизматининг комиссари У. Фон Рааб истеъфо берди. Унинг айтишича, Вашингтон ҳозирги ва аввалги маъмуриятининг наркотиклар контрабандасига қарши кураш юзасидан қатъий чораларни кўришни истамаётганлиги унинг истеъфо беришидаги асосий сабабдир. Фон Рааб Америкадаги Эй-би-си телекомпаниясининг мухбири билан суҳбатда «вазият назорат остидан чиқди, маъмурият ўтказаётган сиёсат эса барбод бўлди» деди. «Биз наркотиклар бизнесига қарши фақат оғизда кураш олиб борар эканмиз, ғалаба қилмаймиз. Даҳанаки жангдан конкрет ҳаракатларга ўтадиган пайт келди», деди комиссар.

Америка экономикасининг ўсиш суръатлари 4,4 процентдан 1,7 процентга тушиб қолди, деб хабар берди Си-би-эс телекомпаниясининг янгиликлар программасини бошқарувчи.

Матбуот Жанубий Кореянинг ДС-10 самолёти авиафалокатга учраганлигини ҳамон шарҳламоқда. Самолёт Триполи шаҳри аэропортига қўниш чоғида ерга қулаб тушди. Натижада 82 пассажир ҳалок бўлди. Лондонда чиқадиган «Таймс» газетасининг ёзишича, «ана шу фалокат билан яқинда Американинг Айова штатида бўлиб ўтган авария ўртасида ўхшаш белгилар бўлмасада, пассажирларнинг ДС-10 авиалайнерларига ишончи илгаригидек пасайиб бормоқда.

(ТАСС).

# ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

**● МАПУТУ. ФРЕЛИМО партиясининг Мапутуда ўтаётган бешинчи съезди делегатлари бугун партиянинг Марказий Комитет тақдим этган янги таҳрирдаги программаси лойиҳасини муҳокама қилишга киришдилар. Партия раиси, республика президенти Жоаким Чиссано лойиҳа юзасидан музокарани оча туриб, программани ўзгартиришдан мақсад — мамлакат олдида турган муаммоларни ҳал этишда партия сиёсатига кўпроқ реализм касб этишдан иборат, деди.**

**Лойиҳада ФРЕЛИМО партиясининг воқеликни илмий таҳлил этишга асосланган тарзда жамиятни ҳар томонлама ўзгартиришни кўзда тутувчи социалистик идеалларга содиқ эканлиги тасдиқланди. АИМ ахборот агентлигининг таъкидлашича, лойиҳада 1983 йилги программада баён этилган синфий кураш тўғрисидаги эслатмалар йўқ. Мозамбик давлати «Ишчилар ва деҳқонларнинг революцион — демократик диктатураси» деган қоида ҳам берилмаган.**

**● БУДАПЕШТ. Бугун бу ерда Венгрия социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг пленуми бўлди. ВСИП Раиси Реже Ньерш пленум ишига бошчилик қилди. Пленум қатнашчилари Венгрия ва халқаро ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби Янош Кадар хотирасини ҳурмат билан эсга олдилар, унинг фаолиятига юксак баҳо бердилар.**

**ВСИП Марказий Комитетининг пленумида халқаро масалаларга доир ахборот тингланди, ВСИПнинг кузга белгиланган съездига тайёргарликка оид фикрлар умумлаштирилди. Пленум ВСИПнинг амалий съездини 1989 йил 6 октябрда чақиришга қарор қилди.**

**● ВАРШАВА. Бугун бу ерда Польша Халқ Республикаси сенатининг тўрт кунлик мажлиси очилди. Пленум ишининг биринчи куни, асосан, кун тартиби масалаларига бағишланди.**

**Сенат кўпчилик овоз билан тўртта доимий комиссия ташкил этди ва уларнинг составини тасдиқлади. Жумладан миллий экономика комиссиясига профессор Витольд Тшечиаковский, ташқи ишлар комиссиясига профессор Янош Зюлковский, инсон ҳуқуқлари ва қонунчилик комиссиясига Збигнев Ромашевский, эмиграция ва чет эллардаги поляклар ишлари комиссиясига Этмунд Османчик бошчилик қилдилар.**

**Сенат индексация — нархнаво индекси ўзгариб бораётганлиги муносабати билан иш ҳақини ошириш ҳақидаги қонун лойиҳасини шошилинч кўриб чиқиш зарурлигини ҳисобга олиб, лойиҳани биринчи марта сенатнинг миллий экономика комиссиясида муҳокама қилишга қарор берди.**

(ТАСС).

# БУШНИНГ АЙТГАНЛАРИ

● ВАШИНГТОН, (ТАСС). Президент Жорж Буш жума куни АҚШ ҳукумати «Совет гражданларининг тақдири тўғрисида имкони борича тўлароқ маълумотлар олишда» СССРга ёрдам беришга тайёр эканлигини гапирди. Булар афғон қуролли оппозицияси гуруҳлари томонидан асир олинган ёки Афғонистонда бедарак йўқолган совет кишиларидир.

Президент Америка ҳарбий асирларининг ва Жануби-Шарқий Осиёда бедарак йўқолган кишиларнинг оилалари миллий уюшмасининг Вашингтонда бўлган конференциясида сўзга чиқиб, АҚШ Афғонистонда бедарак кетган ёки асирга олинган совет кишиларининг тақдирини аниқлаш учун «қўлидан келган барча ишларни қилади», деди. Президент ўз навбатида Совет Иттифоқи Ҳинди-Хитойда бедарак кетган Америка ҳарбий хизматчиларининг тақдирини аниқлаш учун «ўз иттифоқчиларининг яна ҳам жиддийроқ ва ўз вақтидаги ҳамкорлигини рағбатлантириш учун» куч-ғайратлар сарфлашига «умид қилади», деб таъкидлади.

Афғон оппозициясининг қуролланган бўлинмалари томонидан асир олинган совет аскарларини ватанига қайтариш билан боғлиқ бўлган масалалар Афғонистонда асир олинган совет ҳарбий хизматчиларини озод этиш учун курашувчи совет жамоатчилиги мувофиқлаштириб турувчи комитети делегацияси билан Вашингтонда батафсил муҳокама қилинди. Делегация аъзолари конгресс аъзолари билан, АҚШдан туриб афғон қуролли оппозициясини қўллаб-қувватлаётган ўнг ташкилотлар намояндалари билан учрашдилар.



1990 йилнинг 6 августида Хиросима шаҳрининг атом бомбаси зарбасига учраганига 45 йил тўлади. Ушбу суратда ўша даврнинг машъум излари сақланиб қолган. Ҳокимият уни таъмирлаб асл ҳолига келтиришга тайёргарлик кўрмоқда. Бунинг учун маблағ тўплаш ишлари бошланиб кетди. Атом бомбасидан зарар кўрган бу бинони қайта тиклаш учун кам деганда 100 миллион иен керак бўлади.

КИОДО—ТАСС сурати.

● *«Оромгоҳнинг ўз эгаси бўлсин» мақоласини ўқиб*

# ЎРИНЛИ ТАЛАБ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»нинг 21 июнь сонида босилган «Оромгоҳнинг ўз эгаси бўлсин» суҳбатини ўқиб ушбу хатни йўллаяпман. Ҳақиқатан ҳам Бўстонлиқ областимизнинг шаҳар зоналарига энг яқин соф ҳаволи, зилол сувли катта бир хазина десам хато бўлмас. Лекин йиллар давомида шу сўлим масканнинг табиий имкониятларидан оқилона фойдаланиш ҳақида ҳеч ким қайғурмади. Энди эса унинг экологияси бузилаётганидан ташвишга тушиб қолдик. Лекин неча йиллардан бери унинг олдини олиш учун бирон бир дурустроқ амалий иш қилингани йўқ.

Мақолада районнинг табиий имкониятларини асли ҳолида сақлаб қолиш учун у ерда хўжалик ишларини бошқарадиган ягона уюшма ёки дирекция тузиш таклиф этилаётганлиги қайд этилган. Ана шу ташкилотни тузиш тезлаштирилганда ўринли иш бўларди. Менимча унинг фаолият кўрсатиши учун бюджетдан маблағ талаб этилмаса керак. Ўша уюшма ёки дирекция ташкилот ва муассасаларга ажратиб берилган ерлардан олинадиган солиқ ҳисобига фаолият кўрсатиши мумкин-ку.

Бундан ташқари шанба ва якшанба кунлари районимизга дам олгани келувчилар қачонгача тоғ ёнбағирларини турли шиша синиқлари, консерва банкалари ва бошқа чиқиндилар билан ифлослантириб, табиатга зарар етказиб кетаверадилар. Улар фақат ўзларидан сўнг ҳадсиз чиқитлар қолдириш билангина чегараланиб қолишмаяпти. Дарахтларни шафқатсизлик билан кесишмоқда. Уларнинг бефарқликлари туфайли сув ҳавзаларимиз ифлосланяпти, қанча-қанча кислород манбаи ҳисобланган яшил арчалар ёндириляпти. Табиат ва одамлар олдида ҳеч қандай масъулият ҳис қилмаган кишиларгина шундай иш қилишлари мумкин. Шундай экан улар олдига ҳам маълум шарт қўйилиши керак. Биринчидан районнинг табиий имкониятларидан фойдаланганлари учун улар ҳам ҳақ тўлашлари лозим. Қолаверса улардан тушадиган маблағ ўзлари учун шароит яратишга сарфланиши мумкин. Иккинчидан улардан бу ерларда истеъмол қилинадиган озиқ-овқатлари ва ичадиган сувларини махсус идишларда олиб келишлари ҳам талаб этилиши керак. Шундагина ўз табиий имкониятларидан бизни баҳраманд этаётган сўлим оромгоҳга маданий муносабатда бўлиш таъминланиши мумкин.

Шу ўринда мақоладаги яна бир таклиф ҳақида тўхталиб ўтишни истардим. Тоғ ёнбағирларида миллионлаб сўмлар сарфлаб қўйилган бинолар чала ётган экан. Районда эса мавжуд мактабларнинг ярмига яқини авария ҳолатида. Уй-жой программамиз яқин ўн йиллар ичида бажарилиш-бажарилмаслиги гумон. Тоғ зоналаримизни хомталаш қилаётган турли корхона, ташкилот ва муассасалар эса ўз маблағлари ҳисобига ўзлари учун яна янги-янги дам олиш минтақалари ва лагерлар қуришда давом этишаяпти. Шу ерларда яшаб болаларимиз учун пионер лагерларига йўлланмалар ололмаймиз. Бу тенгсизликка барҳам бериш учун мақолада қайд этилганидек барча қурилиш-монтаж ишлари ягона қўлга бирлаштирилса яхши бўларди. Ахир Бўстонлиқда ҳам худди шу дам олиш минтақалари ва пионер лагерларига эгалик қилувчи коллективлардагидек меҳнаткашлар истиқомат қилишади. Ана шу ташкилотлар тезроқ ташкил этилса ҳозирча ҳимоясиз қолаётган Бўстонлиқ табиати ҳам эгалик бўларди. Шу билан бирга бу ердаги мавжуд бўлган кўплаб муаммолар ечимини топарди.

**Қ. МЕДЕТОВ,**
**Бўстонлиқ район солиқ инспектори.**

